



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 2-noyabr, chorshanba * № 44 (1003) * 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.hurriyat.uz

КАДРИЯТЛАР УЛУГЛАНГАН МАСКАН

Шукри, истиқлол фуқароларга, айниқса, ёшларга ўзи қизиққан, эътиқод қўйган илм манбаларини ўрганиш имкониятини қайтарди, турли йўналишлар бўйича ўқув даргоҳлари эшигини очиб берди.



⇒ 2-бет

Дўппидагизина мақола

Уйга киришим билан: «Қаердан келяпсан, бирор ўртоғингникида таъзия бўлдими?», деди онам хавотирланиб. «Йўғ-э, нима деганингиз, ҳеч нарса бўлгани йўқ». Опам ва онамнинг сўзларидан кейин ўзимга ўзим савол бердим: қачондан бери дўппи мотам белгиси бўлиб қолди ўзи?



⇒ 6-бет

„НАҒМАЧИЛАР“ ТЕГИРМОНИГА КИМ СУВ ҚҮЙМОҚДА?

Иш вақтим соат 9:00да бошланади. Лекин ҳар ҳафта пайшанба кuni соат 7:00да корхонамиз остонасидан ҳатлаб ўтишга одатланганман. Сабаби битта. Столим устида тахлаб қўйилган „Hurriyat“ газетасини икки соат давомида ҳижжалаб ўқийман.



⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини (Сан-Франциско, 1948 йил 9 июль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини имзолади. Қонун матбуотда эълон қилинди.

26 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Республикаси Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

26 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев ўртасида Қирғизистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

26 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонини имзолади.

29 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннони қабул қилди.



„HURRIYAT“ газетаси „Ўзбекистон ҳаво йуллари“ миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



Ватаним келажаги учун овоз бераман

САЙЛОВ – 2016

Навоий вилоятида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юқори савияда ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Сайловчилар, айниқса, биринчи марта овоз бераётган ёшларнинг сайлов қонунчилигидан хабардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Биринчи Президентимиз раҳнамоллигида халқаро демократик талабларга тўла жавоб берадиган миллий сайлов тизими яратилгани, сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган

меъёрлар фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашини, конституциявий ҳуқуқидан тўлақонли фойдаланишида юксак самаралар бермоқда. Жорий йилнинг 4 декабрида ўтказилган Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти сайловида 5-Навоий сайлов округидан 641 мингдан зиёд сайловчи овоз бериши қутилмоқда. Улардан 11 мингдан ортиғи биринчи марта овоз берадиган ёшлардир. Округ сайлов комис-

сияси томонидан таълим муассасалари ва маҳаллаларда ташкил этилаётган турли тадбир ва давра суҳбатлари ёшларнинг сайловга оид билимини бойитишга ҳизмат қилмоқда.

Навоий шаҳридаги 31-сайлов участкасида сайлов кuni 42 ўғил-қиз биринчи марта овоз беради.

– Биз тенги ёшлар Ватанимиз келажаги учун муҳим аҳамият касб этадиган сайловда биринчи марта иштирок этамиз, – дейди Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқувчиси Жаҳонгир Қосимов. – Тўғриси айтсам, бу кунни орзиқиб кутмоқдаман. Сайловда иштирок этиш масъулияти жуда катта экан. Конституциямизда белгиланган ҳуқуқимдан фойдаланиб, юртимиз келажаги учун овоз беришимдан фахрланаман. Сайлов участкасида яратилган шароитлардан фойдаланиб, сайловга оид адабиётлар билан танишиб чиқдим. Сайлов кuni юртимиз келажаги учун ҳизмат қиладиган муносиб номзодга овоз бераман.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА муҳбири

Суратда: Навоий шаҳридаги 31-сайлов участкасида.

С.АСЛОНОВ (ЎЗА)
олган сурат

Эл-юрт фаровонлиги йўлида

ИНСОН МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Ўтган 25 йил давомида яратувчилик, бунёдкорлик ишларининг жадал равишда олиб борилаётгани натижасида юртимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг қайси бир шаҳар ва қишлоғида бўлманг, қурилиш, бунёдкорлик ишларининг изчил давом этаётганининг гувоҳи бўлиш мумкин.



Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг „2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида“ги 2016 йил 21 октябрдаги қабул қилган қарорини Хоразм вилояти аҳли ҳам катта қувонч ва мамнуният билан қутиб олди.

Ҳақиқатан, истиқлол йилларида қишлоқ жойларида аҳоли учун на-

мунавий лойиҳалар асосида яққа тартибдаги уй-жойлар қуриш бўйича кенг миқёсда ишлар олиб борилди. Айни пайтда Хоразм вилоятининг барча туманларида қад ростлаган намунавий тураржойларда қишлоқ аҳли оилалари мамнуният билан истиқомат қилмоқдалар. Чунки бу уйларда яқши яшаш учун барча шароитлар яратилган.

⇒ 2

Ҳурриятли муштарийлар.

2017 йил учун „HURRIYAT“ газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳада этинг. Бундан ташқари, „Hurriyat“ да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин. „HURRIYAT“ ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



“Электрон ҳукумат”ни ким бошқаради?

ДАВРА СУҲБАТИ

“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Биламизки, барча қонунлар инсон манфаатига қаратилиб, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, турмуш тарзини фаровонлаштиришга ҳизмат қилади, тинч-тотув ҳаёт кечириши учун зарур жиҳатларни қамраб олади. “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонун эса ана шу масалалар ҳамда мамлакат ривожини билан чамбарчас боғлиқдир. Бу жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари билан муносабатларини электрон кўринишга кўчириш, ҳалқимизнинг яшаш тарзини осонлаштириш, давлат органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлашга қаратилгани билан ҳам мавзу жиҳатидан долзарбдир. Ўзбекистонда “Электрон



ҳукумат тўғрисида”ги қонунни амалиётга тўла-тўқис татбиқ этиш учун фурсат керак. Шунга қарамай, соҳа ходимлари, қонун ижодкорлари ушбу масалада анча илғор. Жойларда унинг тарғиботи билан боғлиқ семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Бугунги давра суҳбатимиздан мақсад мазкур қонунни омма орасида тарғиб этиш, шу билан бирга унинг турмушимизда туб ўзгаришлар ясайдиган жиҳатлари ҳақида мушоҳада қилишдир. Уйлаймизки, бу ҳар жиҳатдан фойдали бўлибгина қолмай, қонуннинг янги қирраларини очишга ҳам кўмак беради.

⇒ 4

ҚАДРИЯТЛАР УЛУФЛАНГАН МАСКАН

▶ МАЪНАВИЯТ

Собиқ тузум даврида қадим анъаналаримизга пугур етказилиб, авлодлар ота-боболардан, аждодлардан қолган илмий-маънавий меросни ўрганиш имконидан маҳрум бўлди, диний таълим таъкикланди. Шукрки, истиқлол фуқароларга, айниқса, ёшларга ўзи қизиққан, эътиқод қўйган илм манбаларини ўрганиш имкониятини қайтарди, турли йўналишлар бўйича ўқув даргоҳлари эшигини очиб берди.



Мустабил тузум даврида фақат Тошкент ислом институтини ва “Мир Араб” мадрасаси чекланган шароитда фаолият олиб борган бўлса, бугун диний таълим даргоҳлари сони ўнлашган. Уларда ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни пухта эгаллашган етук кадрлар тайёрланмоқда. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти ташаббуси билан 1999 йилда ташкил этилган Тошкент ислом университети ана шундай эътиборга лойиқ масканлардан бири. Ушбу даргоҳ орқали муқаддас ислом динига оид бой маънавий-маданий меросни тиклаш, буюк алломаларимизнинг асарларини чуқур ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

— Аввало, Вазирилар Маҳкамаси ҳузурдаги ягона таълим маскани бўлган университетимиз дунёвий мақомга эга эканини қайд этиш лозим, — дейди ушбу даргоҳ маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Акбар Қозоқбоев. — Фикҳ, иқтисод ва табиий фанлар, ислом тарихи ва фалсафаси ҳамда малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш факультетлари бугун жамиятимизнинг муҳим бўғинларида фаолият олиб бораётган мутахассисларни етказиб бермоқда. Битирувчиларимиз айти пайта давлат ва жамият бошқаруви турли идоралари ва ташкилотларда меҳнат қилаётган. Бугунги мураккаб даврга оқ-қорани таниган, ҳам дунёвий, ҳам диний илмга эга, шунингдек, она тилидан ташқари, камидан иккита тил билладиган кадрларга эҳтиёж катта. Университетимиз битирувчилари ана шу имкониятга эга. Информатика ва ахборот технологиялари йўналишини битирган ёшларимизга эса имконият янада кенг. Чунки ҳозирги даврда ахборот технологиялари кириб бормога соҳа йўқ. Шу билан бир қаторда, улар инглиз тилидан ташқари араб тилини ҳам билади. Бундай кадрларимиз аждодларимизнинг диний, илмий мероси ҳамда муқаддас китобларнинг электрон версияси ва дастурларини яратиш, араб тили луғатларини тузиш билан шуғулланмоқда. Бугун долзарб бўлиб турган яна бир масала, бу аҳоли, айниқса, ёшлар онгига диний маърифатни чуқур синдиришдан иборат. Ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказиб келинаётган ана шундай талабларга кадрларимиз, ўқувчи-педагоглар мунтазам жалб қилинган.

— Сир эмаски, бугун ёшлар орасида ёт гоҳларга эргашиб кетаётганлар бор. Нима деб ўйлайсиз, ўқувчи мактаблардан диний маърифат борасида чуқурроқ билимга эга бўлиб бориши лозим эмасмикин? —

сўраймиз суҳбатдошимиздан. — Бу масала Халқ таълими вазирилик вакиллари билан ҳамкорликда қўриб чиқилди ва умумий ўрта таълим мактаблари учун махсус дарслик яратиш керак, деган хулосага келинди, — сўзини давом эттирди у. — Мамлакатимиз фуқароларининг тахминан 94 фоизини мусулмонлар ташкил этишини ҳисобга олиб, бу иш аллақачон бошланиши лозим эди. Мазкур лойиҳани амалга татиқ этишда битирувчиларимизга ишонч билдирилмоқда, яъни дарслик яратилгач, биз етказиб бераётган кадрлар жойларга бориб, диний маърифатдан сабоқ бериш орқали ана шу бўшлиқни тўлдирди...

Мазкур даргоҳда илм олаётган ёшлар билан суҳбатлашарканмиз, уларнинг одоб-ахлоққа юриштириши бошқа олий ўқув юртлири талабаларидан фарқ қилишини англадик. Университет ҳудудига киришингиз билан қўли кўксига, кексаю еш, таниган-танимагани бирдай иззатлаб, “салом-алиқани канда қилмайдиган талабаларни қўриб қўзингиз қувонади. Ўз олдида юксак мақсадларни қўйган ёшлардан бири, миллий гоҳ, маънавий асослари ва ҳуқуқий таълим йўналишида таҳсил олаётган 3-босқич талабаси Муслимбек Алижоннинг фикрларидан мамнун бўлдик.

— Отам қўш бир қанот билан узоқ учолмайди, дейдилар. Бу билан бизни ҳам диний, ҳам дунёвий илм олишга ундаган. Ислон университети менга ана шундай имкониятни бера оладиган даргоҳ бўлгани боис, шу ерда ўқишга қарор қилдим. Отам ўқитувчи бўлгани учунми, менинг ҳам сўзга эътиқодим буларча. Ёзувчи уюшмаси қошидаги шеърят тўрагага қатнашиб тураман. Бодаликдан тарғиботчи, идеолог бўламан дердим. Айти пайта орузимни амалга ошириш учун ҳаракат қилишман. Шеърин китобимни нашрга тайёрлаш билан бирга, “Ёшларни ижтимоий йўналишлардан ажратиб қўриш” мавзусида илмий таъкиқот олиб боряман. Фаргона вилоятининг бир неча нашрлари, шунингдек, “Маърифат” газетасида мақолаларим чоп этилди. Ҳозир илмий раҳбарим — Республика Миллий гоҳ ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари ўринбосари Шавкат Тураев қўл остида амалиёт ўташ билан бирга рисоламни чоп этиштиришга тайёрларлик қўришман. Ушбу рисолада глобаллашув даврида ахборотнинг инсон онги ва руҳига таъсири, шунингдек, қашандалик ва лоқайдлик иллатига тўхталиб ўтдим. Устозларим ҳамда психологлар маънавият билан интернетнинг ижобий ва салбий томонларини очишга ҳаракат қилдим. Интернет

нет мактаб ўқувчисига қандай таъсир этади, коллеж ёшидаги ўқувчи онгини қандай шакллантиради, олий даргоҳларда ўқиётган тенгдошларимнинг унга муносабати қандай, шуларга тўхталиш билан бирга, ёшлар лиққатини жалб этадиган, улар учун янги ёки ноаниқ бўлган сўзлар таърифи келтирилади. Масалан, интернетдаги ахборот таҳдидларидан бири кибертеррозизм нима, мақсади қандай, бу ҳақда тушунчага эга бўлиш орқали ёшлар онгига филтрлаш жараёни пайдо бўлади ва ёт гоҳларга беришдан ўзини-ўзи асрайди. Маззун ёритиш мубайнида унинг психологик, маънавий, фалсафий ва ҳуқуқий томонларини, шунингдек, “Тенгдош — тенгдошга” принципига қўра, қўпгина ўртоқларим, тенгдошларим фикрини ўғаниб, мулоҳазаларимни асослашга ҳаракат қилдим...

Ҳа, бугун ана шундай ўз орузи йўлида собит, эътиқоди мустақкам ёшлар талайгина. Яхши биламиз, Ватанимиз мустақилликка эришмасдан “аввал” таълим тизими қаттиқ назорат остида, марксча-ленинча сиёсат, коммунистик мафкура гоҳси билан суғорилган ва унга бўйсунтирилган эди. Катта бир авлод шунинг таъсирида шаклланди, илм-фанга бирёқлама ёндашув ҳамда эътиқодсизлик унинг ўта салбий натижаларини кўрсатди. Шукрки, иқтиқлол шуқуқ одамларга умид ва ишонч қайтарди, бир мақсад остида бирлаштирди. Диний эътиқод эркинлиги инсон руҳиятига куч бағишлаб, мустақил, соғлом фикрларни майдонга чиқарди. Маданий-маънавий қадриятларимизни тиклаш, аждодлар меросини ўрганиш исломшунослик ривожини учун замин яратди. Ушбу вазибаларни амалга оширишда Тошкент ислом университети қошидаги Ислоншунослик илмий-таъқиқот марказининг роли катта.

— Айти пайта тарих, маънавият ва исломшунослик соҳаларининг устувор йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий таъқиқотлар доирасида илмий изланишлар олиб боришмоқда, — дейди марказ раҳбари ўринбосари Комилжон Шермухамедов. — Ислон дини ва маданиятини, Ватанимиз тарихи ва қадимий анъаналарини ҳамда аждодларимизнинг бой диний-илмий меросини ҳар томонлама ўғаниш, уларга оид мавжуд манбаларини илмий талаблар асосида таъқиқ қилиш, нашр этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш марказ

Кисқаси, бугунги кунда марказ фаолияти ислом динига оид таълим йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш борасида жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари таърибасини атрафлича ўғаниб, таҳлил этиб, мазкур университет ҳамда республикамиздаги бошқа таълим даргоҳлари ўқув-тарбия жараёни сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил этишга, ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, миллатимизнинг улкан илмий, маънавий мероси ва қадриятларига нисбатан эътиборни кучайтиришга қаратилган. Бундай хайрли ишлар, албатта, ўз самарасини бераётди.

зимизнинг асосий вазибаларидан бири. Шу вазибалар доирасида, “Буюк аждодларимиз” туркумида, ҳали илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган аллома Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Доримийнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятига бағишланган “Имом Доримий” номли рисола, ислом маданияти, хусусан, тафсир, ҳадис, фикҳ, тасаввуф, калом илмлари ривожига беазир ҳисса қўшган алломалар Абу Лайс Самарқандий, Абу Ҳафс Насафий, Имом Устураний ҳаёти ва илмий мероси ҳақида рисоалар, шунингдек, “Юртимиз алломалари” номли китоб нашр этилди. Бундан ташқари, буюк аждодларимизнинг ислом дини ва маданияти ривожига алоҳида ўрин тутган асарларини илмий асосда тизимли таъқиқ қилиш ва таржима қилиш учун “Маърифат зиёси” туркумида Имом Доримийнинг ислом аҳли ва уламолари томонидан энг ишончли деб топилган тўққиз ҳадислар тўпламлари сирасига киритилган “Сунан” асари илм марта араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Улуғ алломаларимизнинг ахлоқ-одоб соҳасига оид ҳикматли фикрлари жамланган “Тафаккур дурдоналари” номли тўплам, шунингдек, “Ривоятлар бўстонини” китоби тайёрланди ва кенг жамоатчиликка етказилди.

Диний мутаассиблик ва миссионерлик уюшмалари фаолиятининг вайронкор моҳиятини фош этиш ҳамда бундай ҳаракатларнинг олдини олиш масалаларини тизимли ёритиш мақсадида “Жаҳолатга қарши маърифат” туркуми доирасида “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифат асослари”, “Диний бағрикенглик ва мутаассиблик” (юз саволга юз жавоб), Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари” (юз саволга-юз жавоб), “Ҳилолат ортига яширинган залолат”, “Жаҳолат тўри”, “Ҳалолат тузоғи”, “Бузуғчи даъватчилар”, “Исломига ёт жамоа”, “Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари” ва бошқа услубий қўланма ҳамда қўпгина буклетлар нашр этилди.

Ҳозирги вақтда марказ Вазирилар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологиялар ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан молиялаштирилган битта фундаментал ва етти таълимий таъқиқот лойиҳаси устида илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Хушбахтлик билан айтиш мумкин, бугунги кунда марказ фаолияти ислом динига оид таълим йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш борасида жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари таърибасини атрафлича ўғаниб, таҳлил этиб, мазкур университет ҳамда республикамиздаги бошқа таълим даргоҳлари ўқув-тарбия жараёни сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил этишга, ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, миллатимизнинг улкан илмий, маънавий мероси ва қадриятларига нисбатан эътиборни кучайтиришга қаратилган. Бундай хайрли ишлар, албатта, ўз самарасини бераётди.

Холида ФАЙЗИЕВА

▶ САЙЛОВ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида видеоконференцалоқа шаклида “Оммавий ахборот воситалари ва сайловолди ташвиқоти” мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Сайловолди ташвиқотида ОАВнинг ўрни

Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари, сиёсий партиялар матбуот хизматлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Комилжон Одилов ва бошқалар сайлов жараёнида барча фуқароларга сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастури, шунингдек, сайлов жараёнининг моҳияти ҳақида тўлиқ ахборот олиш шарт-шароитлари таъминлишини таъкиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси ҳал қилувчи паллага кирди. Шу йилнинг 28 октябидан сайловолди ташвиқоти бошланди. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга асосан сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ҳақмига қўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланди.

— Сайловолди ташвиқоти ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланди, — деди Комилжон Одилов. — Шу сабабли Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва истакларини инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” теле- ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 ҳудудий телеканалларида 206 дақиқадан, “Тошкент” телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратди.

Бундан ташқари, номзодларга босма оммавий ахборотларда ташвиқот ишларини олиб боришлари бўйича ҳам тенглик асосида имкониятлар берилган. Ном-

зодлар “Халқ сўзи”, “Народное слово” ва “Правда Востока” газеталарида 6 саҳифадан, “Нурли жол” ва “Овози тожик” газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул чиқишларини амалга оширишлари мумкин. Шунингдек, ҳудудлардаги 30 та маҳаллий газетда ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.

Сайловолди кампаниясида оммавий ахборот воситалари номзодлар учун ошкоралик ва очиқлик моҳиятини яратишга кўмаклашишлари ва улар билан боғлиқ ҳар қандай очиқ ахборотни тезкорлик билан, ҳаққонийлик, тенглик ва холислик асосида тарқатишлари талаб этилади. Ахборот дастурлари ва бошқа ахборот материалларида номзодларнинг сайловолди фаолиятини ёритиб беришда оммавий ахборот воситалари тенг шароитлар, шу жумладан, дастурнинг давомилиги ва ҳажми бўйича тенг шароитлар яратиб берилишини таъминлайди.

Семинарда, Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Низомидин Нурматовнинг таъкиқлашича, номзодлар оммавий ахборот воситаларида қўшимча тарғибот ишларини олиб боришлари мумкин. Фақат бу жараён шартнома асосида пуллик бажарилди. Бунда пуллик эфир вақтинини ёки чоп этиш майдонини ажратиш билан боғлиқ муносабатлар оммавий ахборот воситалари ва сиёсий партиялар ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилиши шарт. Шартнома асосидаги пуллик хизматларни бажарётган оммавий ахборот воситалари ҳам тенглик таъминлиги бўзишга асло ҳақлари йўқ.

Оммавий ахборот воситалари тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, номзодлар ва сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмасликлари шарт.

Анжуман якунида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Жобир ХУҲАҚУЛОВ

Эл-юрт фаровонлиги йўлида

МADANIYAT VA AHOI DAM OLISH MARKAZI



«Бошланиши 1-бетда»

Шу йилнинг 28 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентини вазибаларини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев вилотиимизга қилган таърифи давомида вилотиини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган режа-тадбирларни тасвир этган эди, бугун улар амалга оширилмоқда.

“Қўшқўпир туманини 2017—2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури”нинг дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга қўра умумий қиймати 211 миллиард сўмлик инвестиция маблаглари ўзлаштиришнинг ҳисобига 857 та лойиҳа ишла туширилиши ҳамда 22 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

Вилот аҳолисининг кам таъминланган қатламни арзон нархларда уй-жой билан таъминлаш мақсадида кенг миқёсда амалий ишлар бошланди. Жумладан, Урганч шаҳрида 20 та тўрт ва беш қаватли тураржой бинолари қурилиши учун Байналмиллатчи ва Фазлов кўчалари кесиишмасидаги ҳудуддан 9 гектар ер майдони танланди. Бу ерда 20 та 4 ва 5 қаватли уйларда 2 ва 3 хонали 800 та хонадон жойлаштирилди.

Туманларда ҳам худди шундай қўп қаватли уйлар қуриш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан, 2017 йилда Богот, Қўшқўпир, Урганч ва Ҳазорасп туманларида биттадан ҳамда Хонқа туманида 4 та жами 8 та икки қаватли 16 хонадонли тураржойлар қурилади.

Шу билан бирга аҳолининг тураржойга бўлган талабини янада кўпроқ таъминлаш мақсадида 2017 йилда 957 та тўрт турдаги уйлар қурилиши белгилаб олинди.

Жумладан, вилот бўйича кам даромадли оилалар учун 32 хонадондан иборат икки ва уч хонали кўп қаватли уйлар, ўрта даромадлилар учун 2 сотих майдон ҳажмида 228 донга бир қаватли икки ва уч хонали уйлар, 4 сотих майдон ҳажмида 282 донга икки қаватли уйлар, ҳамда 6 сотих майдон ҳажмида 415 донга амалдаги лойиҳалар бўйича бир қаватли тўрт ва беш хонали уйлар қурилади.

Қабул қилинган назорат-режада аҳолини тоза ичимлик суви ва таъминий газ билан таъминлашни яхшилаш ҳам назарда тутилган. Бу борала, Қўшқўпир туманида учта, Шовот туманида иккита ва Богот туманида битта, жами олтига қишлоқ аҳоли пунктида 2 миллиард сўмлик 16,5 километр узунликдаги ичимлик суви тармоқларини қуриш ва ичимлик суви насос станциясини реконструкция қилиш ишлари бўйича манзилли дастур шакллантирилиб, ишлар бошлаб юборилди.

Юртдошларимиз, айниқса, хотин-қизлар янги қурилаётган уй-жойларнинг қулайлиги, шароитлари ҳақида қувонч билан гапирмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017—2021 йилларда қишлоқ жойларида янгиланган налимунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ келгусида сифатли, шинам, арзон уй-жойлар билан таъминлашга янада эътибор қаратилади.

Сайёра АБДИКАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Хоразм вилоти хотин-қизлар қўмитаси раиси

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги нодавлат-ношукрат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат гранти ажратилган “Утмиши улуғ халқини келажак ҳам буюк бўлажак” номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.

Мактаб кутубхоналари:

улар замон талабларига жавоб бераяптими?

МУНОЗАРА МАВЗУСИ — ТАЪЛИМ

Замонавий мактаб кутубхонаси қандай бўлиши керак?

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 19 августдаги буйруғи билан тасдиқланган “Умумтаълим муассасаси кутубхонаси тўғрисида”ги низомда шундай дейилади: “Кутубхона куйидаги вазифаларни бажаради: фойдаланувчиларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва таълим олиш эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш... Кутубхона-ахборот маданиятини тарбиялаш, фойдаланувчиларни ахборотлар қидиришининг замонавий методларига ўқитиш; ҳомий ташкилотлар, турли ташкилотлар ва муассасалар, айрим фуқароларнинг ёрдамлари ҳисобидан кутубхона фондиди тўлдириб бориш”. Қолаверса, “Электрон кутубхона ва электрон каталогни шакллантиради”.

Мазкур Низомни ўқиган кишининг кўз олдига болаларнинг ёшига мослаб тахланган ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини, фанга доир илмий рисолалар, қолаверса, даврий нашрларни ўзига жамлаган, электрон фондга эга, ташқи шовқиндан ҳимояланган шинамга на хона гавдаланиши турган гап. Аслида бугунги давр талаб ҳам шу. Ҳўш, бизнинг мактаб кутубхоналаримиз бу талабларга нечоғлик мос келади?

Мазкур саволларга жавоб излаб, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган 200-мактабга йўл олдик. Кутубхона мактабнинг иккинчи қабатыда жойлашган. Эшикдан кирганингиз ҳамоно кичик хона баҳоли қудрат дид билан безалгани, дераза тоқаси анвойи гултуваклар билан тўлдирилгани эътиборингизни тортади. Китобларга кўз таштаймиз: иккига ажратилган хонанинг бир томонидаги жавонлар бўм-бўш (бу жой ижара дарсликларни сақлаш учун мўлжалланган, айни пайтда дарсликлар ўқувчилар ихтиёрида). Олд томондаги жавонларда эса ўқувчилар учун методик қўлланмалар, илмий рисолалар билан бирга бадиий адабиётлар ҳам бор. Аммо таълим муассасасини айтганда, китобларнинг чўғи анча паст. Фикримизни мактаб кутубхона мудираси Мавлуда Эргашева билдириди:

— Директоримиз билан биргаллик китоблар сонини ошириш мақсадида тадбирлар ўтказаямиз, — дейди мутасадди. — Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, нашриётлар, китоб дўкони билан биргаллик китоб ярмаркаси уюштиряймиз. Лекин ҳақиқатан ҳам, китобларимиз сонини ҳам. Сибейи адабиётлар 234 та, ўқувчилар учун ўқув қўлланмалари 314 та, болалар адабиётига оид китоблар 552 та, бадиий адабиётлар эса 400 донга.

Ушбу мактабда 1029 нафар ўқувчи таҳсил олади, биргина бадиий адабиётларнинг ўзи болалар сонидан икки ярим баробар кам. Шу аснода, кўп бора таъкидланаётган, “Ёшларимиз китоб ўқинмайпти. Болаларимиз компьютер, телефон ўйинлари, интернетга қизиқмади” деган гаплар ҳаёлимга келди-ю, ҳеч ким кутуб-

хона яқинига йўламаса керакда, деб ўйладим. Аммо мен ҳам, ўқувчиларни муталаа билан шуғулланмасликда айбончилар ҳам чувварани хом санабмиз. Танафуф бўлганини билдирувчи қўнғироқ чалиниши билан бу кичкина хона болаларнинг қий-қувига тўлди.

— Мен сўзгарлар ҳақидаги эртақларга қизиқман, — дейди 5-синф ўқувчиси Азизбек Умматалиев қўлидаги “Ўзбек халқ эртақлари” руқни остида нашр этилган “Сехрли шамчирик” қа ишора қилиб. — Уйимизда компьютерим бор, лекин “Унда кўп ўйнаш зарар” дейдилар ойим. Шунинг учун бўш вақтимда китоб ўқийман.

— Мен эса ўзбек ёзувчилари билан бирга жаҳон адабиётини ҳам ўқийми ёқтираман. Мисол учун, яқинда “Кичкина шаҳзода”ни ўқиб тугатдим, — дейди 4-синф ўқувчиси Самина Шодмонова.

Кутубхона мудираси Мавлуда Эргашева хонага бир неча ўсиришни бошлаб келди: — Булар саккизинчи синф ўқувчилари, бизнинг китобхона болаларимиз. Мисол учун, Раҳматов Ҳожиакбар бу йил мактабимизда ўтказилган “Энг китобхона ўқувчи” танловига голиб бўлди.

— Биз, ўқитувчилар кутубхона мудираси билан ҳамкорликда ишлаймиз. Мавлуда опа нафақат болаларга ёшига мос китобларни тавсия қилади, балки уларнинг асардан чиқарган хулосаларни билан ҳам қизиқади. Ёш китобхоналар билан диллашади, — дейди мактабнинг она тили ва адабиёт фанлари услуб бирлашмаси раҳбари Дилшопа Мавлонова.

Ҳақиқатан ҳам, кўзлари ёниб турган бу ўғил-қизларни кўриб, дил яйрайди. Аммо уларнинг айримлари кирилл алифбосидаги китобларни кўзларига олиб, ўйланма туришганини кўрдик... Ўзини Муслима деб таништирган кичка Тоғай Муроднинг “От кичнаган оқшом”ини ушлаб турибди-ю, олишини ҳам, олмаслигини ҳам билмайди. Ундан бунинг сабабини сўрадик. — “Кириллча ўқишга қийналадиман-да” деб қўлди. Кутубхонада лотин алифбосида чоп этилган янги асарлар талайгина. Мисол учун, Алишер Навоийнинг “Хамса”си, Худойберди Тўхтабоев, Шукр Холмиров асарлари, Абдулла Орипов, Зуфия китоблари. Аммо улар сонини янада кўпайтириш ус-



тда иш олиб бориш долзарб масалалардан биридир.

Хона ўртасига тўртта парта ва саккизта стул қўйилган. Мана шу ўқув зали экан...

— Ҳа, мебеллар масаласида озгина қийналиб турибмиз, — дейди Мавлуда Эргашева, темир-терсақ йиғиб, ундан тушган маблағ ҳисобига зарур эҳтиёжларимиз қопланарди. Энди бу ишлар йўқ. Мактаб директори билан маслаҳатлашяймиз. Сифатли ва қулай мебеллар харид қилсак, кутубхонамиз янада файзли ва китобхоналарни ўзига жалб қиладиган бўларди.

Кутубхона таркибиде китоб сақлаш, китоб бериш хоналари ҳамда қироатхона бўлиши керак, дейилади Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган “Умумтаълим муассасаси кутубхонаси тўғрисида”ги низомда.

Яна бир гап. Бугун болалар электрон китобларни ўқияпти. Шу боис умумтаълим муассасалари таркибиде ахборот-ресурс марказлари ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратиляпти. Аммо биз кириб борган мактаб кутубхонасида компьютер (демакки, интернет ҳам) йўқ.

— Ҳа, ахборот-ресурс марказларига эга, кутубхоналарни электронлаштирилган, “Ziyounet” тармоғига уланган мактабларга ҳавас қиламиз. Сиз катта йўлнинг нариги томонидаги 101-мактабга ҳам кирсангиз бўларкан, — дейди М.Эргашева сўхбат орасида.

Шу гап туртки бўлди-ю, Чилонзор туманидаги 101-умумтаълим масканига бордик. Афсуски, кутубхона эшиги ёпиқ, пайшанба — кутубхона эшиги олдидан олиш кунини экан. Ахборот-ресурс маркази деб ёзилган эшикни таққиллатдик. У ерда дарс ўтилмоқда. Уз сўраб ичкарига мўраладик: чеккага суриб қўйилган битта телевизор ва компьютердан бўлак “Ахборот-ресурс маркази” дейишга аргизилма ҳеч нарса йўқ.

Шу мактаб кутубхона мудираси Феруза Содиқова билан телефон орқали боғландик:

— Бизга ресурс марказ ташкил этиш учун иккита компьютер, ксерокопия, телевизор берилган эди. Тўғри, ҳозир бу хонада дарс ўтиляпти. Чунки компьютерларнинг директори ўринбосарларидан бири ўз хонасига олиб бориб, фойдаланаяпти. “Ziyounet” интернет тармоғи эса информатика хонасидаги компьютерга уланган, — дейди у.

МуDIRанинг жавобидан маълум бўлдики, ҳужжатларда ташкил этилган ва фаолият юритаётгани акс эттирилган бўлса-

да, аслида бу ресурс марказ амалда мавжуд эмас.

Биз кутубхона фонди ҳақида ҳам билмоқчи бўлдик:

— Мактабимизда таълим рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Ўқувчилар сони 2560 нафар. Кутубхонамизда 2780 бадиий адабиёт ва 706 та методик қўлланмалар бор, — дейди Ф.Содиқова.

Таҳлил ва хулоса ҳукмингизга ҳавола.

Ҳўш, бу борада вилоятларимиздаги аҳвол қандай? Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 3-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби кутубхона фонди билан қизиқдик.

— 258 нафар ўқувчимиз бор. Илмий-методик қўлланмалар, фанга доир қўшимча адабиётлардан ташқари 876 та бадиий асарлар бор. Бундан ташқари, ҳар бир синфнинг ўз кутубхонаси бўлиб, унда ҳам бир қанча адабиётлар сақланади. Тома-тома кўл бўлур деганларидай, биз ота-оналар кўмаги ва мактаб ҳудудиде ташкил этилган “Макулатура қутилари” (ўқувчилар тўлган дафтарларини унга ташлашадиган тушган маблағлар эвазига фондини янги адабиётлар билан тўлдириб бораёямиз, — дейди мактаб директори Мавлуда Ҳожиева. — Ҳозирча оғриқли муаммомиз бошланғич синф ўқувчилари учун расмий эртақ китобларимизнинг камлиги бўлиб турибди. Йил давомида ўтказилган “Китобхоналик байрами” тадбирлари доирасида бу муаммога ҳам эҳим топиш умидидамиз.

Жиззах шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби кутубхоначиси Гулнора Аҳмедова билан боғландик. — Бизда электрон китобхоналик жорий этилган. Кутубхонамиздаги иккита компьютерда ўқувчиларимиз “Ziyounet” интернет тармоғидан фойдаланишлари мумкин. Бадиий асарларимиз сони 2460 та бўлиб, шундан 1080 таси лотин алифбосидаги китоблар. Кутубхона фондини асосан “Китобхоналик байрами” тадбирларида ярмарка уюштириб, ҳомий ота-оналар ҳисобидан бойитиб бораёямиз, — дейди сўхбатдошимиз.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: “Мактаб ота-оналар кўмагига суянади, аммо улар фарзандининг китоб ўқишга берафқ бўлса-чи?” — Фарзандим таҳсил олаётган мактабда ажойиб анъана бор. Биринчи синфга қабул қилинган болалар кутубхонага янги нашр этилган энг сара адабиётлардан совға қилади. Шунинг учунми, кутубхона адабиётларга бой. Ўқувчилар учун эртақлар, саргузашт асарлар, жаҳон адабиёти дурдона-

лари бор. Мен бу ташаббусни қўлаб-қувватлайман, — дейди фарзанди пойтахтимиздаги Юнусобод туманига қарашли 274-мактабда таълим олувчи Дилфуза Камолжонова. — Ота-она фарзандидан борини аямайди. Ҳоғида шу маблағни бир соатлик овунчоқ-ўйинчоққа ёки ширинликка ҳам сарфлаймиз. Биз кутубхона фонди учун олиб берган битта китобдан юзлаб ўқувчи маънавий озукча олади.

Тўғри, мамлакатимизда кутубхонаси ахборот-ресурс марказларига айлантирилиб, замонавий техника билан таъминланган, турли адабиётларга бой ўқув муассасалари йўқ эмас. Аммо биз юқориде таҳлил этган мактабларнинг туртдан ўч қисмида муаммолар етарли экан, аслида бошқа ўқув муассасаларида аҳвол булардан пеш бўлмаса керак. Демакки, соҳа эътиборга муҳтож.

Яна кўз олдимизга жажжи бармоқчалари билан китоб ва рақлаётган, кўзларида ўч қанча турган мурғак ўқувчилар келди. Кутубхоначи опаси “Ўқидинми ўзи? Қани, гапириб бер-чи” дейиши билан уни ҳам эшитадиган одам борлигидан хурсанд бўлгандай болалар бирма-бир ҳикоя қила бошлайди. Уларга қараб, неча минг йилликлардан бери халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган китобхоналик давом этишини юракдан ҳис қиласан, киши. Аммо кўнглини хира қиладигани, биз катталар фарзандларимиз очман деса, егулик берамиз, усти юпун бўлса, кийим кийдирамиз-у, муталаага иштиёқи пайдо бўлганда эҳтиёжини қондира олаяймизми?

Мазкур мулоҳазалардан келиб чиқиб, бир неча муҳим масалаларни ўртага ташлаш ва уларнинг ечимини биргаллик топишга уриниб кўрайлик.

Биринчидан, нашриётларимизда ҳар йили юзлаб сара асарлар лотин-алифбосида нашр этилмоқда, аммо улар мутасадди ташкилотлар томонидан сотиб олинди, мактаб кутубхоналарига етказиб берилмаяпти. Тўғри, бугунги ўқувчилар кирилл ёзувини (рус тили фани орқали) ҳам билади, аммо ўзлари савод чиқарган алифбода ўқиш учун қўлай-да. Шу боис давлат нашриётларининг мактаблар фонди учун йилга маълум миқдорда китоб ажратишини йўлга қўйиш муҳим масала.

Иккинчидан, ўқувчилар орасида электрон китоблардан фойдаланиш тобора оммалашаяптанини ҳисобга олиб, ресурс марказлари фаолиятини тубдан янгитлаш ва ривожлантиришни давр талаб қилмоқда.

Учинчидан, мактаб кутубхоналари таркибидеги ўқув зали зарур мебеллар билан таъминланиши, ташқи шовқиндан ҳимояланиши, хонанинг ёруғ ва шинама бўлиши ҳам аҳамиятли.

Бундай дейишимизга сабаб бор. Ахир таълим соҳасини тақомиллаштиришга озмунча эътибор қаратилмаяпти?! Қонулар, қарорлар, маблағлар... Улар ўз самарасини беришига ишонамиз. Гап фақат соҳа мутасаддиларининг ҳафасласига боелиқ. Шундай эмасми? Фикрларингизни кутамиз.

Ситора ТОЖИДИНОВА,
“Hurriyat” мухбири

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Манзура хола кўчада ширингина неварасини сайр қилдириб юрган Назира аяни учратиб қолди. Болакайнинг ёқимтойлиги-ю, эғнидаги кийимлари унинг эътиборини тортди.

— Бунақа сифатли, юмшоқ, яна ўхшатиб тикилган кийимчаларни қаердан топасиз-а, опа? — кизиқиб сўради у.

Назира ая шу саволни кутиб тургандек, лабларига табассум югуриб жавоб қайтарди:

ТАДБИРЛИ АЁЛ

— Биласизми, шаҳримизда бизнес марказ ташкил этилган. Ўша ерда ишлайдиган қўли гул қизлардан бирини келин қилгандим. Шу тикяпти буларнинг ҳаммасини. Эғнимдаги ҳалат ҳам чевар келинимнинг меҳнат маҳсули.

Манзура хола эртаси кунёқ ўша масканга бориб, барча маълумотларни олди-да, кенжа ўғли Шаҳзодни мебелсоллик йўналиши бўйича бир йиллик ўқув курсига ўқинишга қўйди...

Шаҳзода Умарова ана шу марказ раҳбари. У ҳаётини ёшларни ҳунарли, касб-корли қилиши бағишлади. Тадбиркорликка йўл очилгани унга қўл келиб, фаолиятини айнан шу йўналишда олиб борди. 2009 йилда “Навой бизнес мактаби”ни ташкил қилар экан, хаёлида “ишмининг натижаси қандай бўларкин, ўқувчиларни қизиқтириш учун айнан нималарга эътибор қилишим керак?”, деган ўйлар кечди. Дастлаб 12 нафар ходим билан иш бошлади. Бизнес мактабда бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқшунослик, дорихона иши, кончилиқ иши, тикувчилик, тил ўргатиш каби йўналишлар бўйича йиллик, ойлик курслар ташкил этилиб, қисқа муддат ичиде ўқишга қабул қилинадиган йигит-қизларнинг сафи ортиб борди.

2013 йилга келиб, Ш. Умарова марказ фаолиятини янада кенгайтирди. Энди трикотаж маҳсулотларини тикши ҳам йўлга қўйилди. Қўшимчасига, келин либослари, ўзбек, қозок, қорақалпоқ миллий либослари ҳам тикила бошланди. Натияжада, мактаб донги қўшни вилоятларга ҳам етиб, Самарқанд ва Бухородан қизиқувчан, фаол, иқтидорли ёшлар ўқишга кела бошлади. Бухгалтерия, саноат, сервис хизмати курслариде йигитлар сони ҳам ошиб борди. 2015–2016 ўқув йилида бизнес мактабини ҳам йўналишлар бўйича 790 нафар ўқувчи битирди.

— Айни кунда масканда ёшларга икки йиллик ўқув курслари бўйича 6 та, бир йиллик ўқув курслари бўйича 18 та, уч ойлик курслар бўйича эса 4 та йўналишга дарс ва машғулотлар ўтиши йўлга қўйилган, — дейди ишбилармон раҳбар. — Ўқиниши тамомлаганларга давлат мақомидеги диплом ва сертификатлар берилади. Мазкур ҳужжат билан ўқувчиларимиз истаган ташкилот, корхоналарда ишлашлари мумкин. Навоий кон-металлургия комбинати, “Навойазот” МЧЖ билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Уларга керакли йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаб бериляпти.

Жорий йилда мактаб тугатилиб, нодавлат таълим муассасаси, яъни “Навой бизнес маскани” ташкил этилди. Ҳозиргача бу ерда 154 та ишчи ўрни яратилган. Эътирофли жиҳати шуки, ушбу масканда коллеж битирувчилари ҳам иш билан таъминланган. Шунлар қатори мазкур мактабни битириб, фаолият юритаётган ходимлар ҳам бор.

— Тикувчиликка қизиқганим боис бизнес мактабга катта ниятлар билан ўқишга келган эдим, — дейди Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи Дилбар Отақулова. — Малакали устозлардан ҳўнар ўргандим, керакли тавсияларни олдим. Ўтган вақт мубоайнида ҳам назарий, ҳам амалий қўнимга эга бўлдим. Айни пайтда мактабгача таълим муассасаларига турли ўлчамдаги чойшаблар, 38 турдаги трикотаж маҳсулотлари тикшамиз.

Сифатли маҳсулот ҳамиша харидорғир бўлиб келган. Бу эса маҳсулот эгасининг ғайратини янада оширади. Бир сўз билан айтганда, мазкур маскан қўбилъятли, ишбилармон ёшлар учун энг яхши танлов бўлди.

Шаҳзода Умарова яқин йил ичиде Қозғоғистон ва Россия давлати билан маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартнома имзолади. Бу билан ишнинг унумдорлигини янада оширди. Қаҳрамонимиз бир қанча тадбир ва танловларда мунтафаккиятли иштирок этиди. Муҳими, саяё-ҳаракатлари ҳар доим муносиб баҳолалини келди. Республика Бизнес мактабидеги кўп йиллик самарали хизматлари ва таълим соҳасини ривожлантириши йўлидаги салмоқли ҳиссаси учун 2011 йилда фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Жорий йил ҳам қаҳрамонимиз учун омадли келди. Барча меҳнатлари ижобий самара бериб, “Ишбилармон аёл — 2016” кўрик-танловининг республика босқичида “Замонавий тадбиркор аёл портрети” номинацияси сопридорни бўлди. Бундан ташқари, “Тадбиркор аёл” ассоциацияси вилоят худудий бўлинимаси саноат соҳасида “Энг яхши тадбиркор аёл” кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрий биринчи ўринни эгаллади. Ҳозирги кунда танловнинг республика босқичига пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Эзу мақсад инсонини ҳаминча хайрли ишларга етаклайди. Ёшларни касб-ҳўнарли қилиш, меҳнатга чорлашдек эзгу нияти амалга ошган Шаҳзода опа бугун меҳнати ортидан илиқ тиллақлар эшитяпти. Ҳам устоз, ҳам ишбилармон аёл деган шарафли ном эса кўксига ҳар дақиқа истиқдол ёпкини бўлиб урилиб, кўнглини яйратиб туради...

Зебо ҚУТЛИЕВА
Навой вилояти

ТАРАҚҚИЁТ РОБИТАЛАРИДА

Мамлакатни инсон вужудига қиёсласак, унинг қон-томири йўл ва темир йўллардир. Йўловчилар узогини яқин қилиш ва иқтисодиётимизнинг ривожланишида темир йўл соҳасининг ўрни юқори.

31 октябрь кунини “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мажлислар залида жорий йилнинг 9 ойи давомида акциядорлик жамиятининг иккинчи йиллик ҳисобидеги фаолият ҳисоблари ва келгусидаги режаларига доир матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланишича, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг темир йўл станицияларидан 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларида 50,5 миллион тонна юк манзилга етказилди. Юкларни ортин ҳажми суткасида 184,5 минг тоннани ёқитган йилнинг шу даврига нисбатан 100,2 фоизни ташкил этиди. 9

ойда юк айланмаси ҳажми 13,68 миллиард тонна/км.ни ташкил этиди. Шунингдек, йўловчи ташкил борасида ҳам кўтирилган натижаларга эришилди, белгилаган режа 102,9 фоизга бажарилди. Йил бошидан буён 15,8 миллион йўловчи ўз манзилга етказиб қўйилди.

Акциядорлик жамиятида экспорт хизматларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ҳисобот даврида 275,7 миллион АҚШ доллари миқориде экспорт хизматлари кўрсатилди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида акциядорлик жамиятининг саноат корхоналариде 312,8 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Иш



ўринларини ташкил этиш ва мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан 2214 та янги иш ўрни ташкил қилинди. Бу-гунги кунда жамият миқосида ишчилар сони қарий 70 минг нафарни ташкил этади.

Шунингдек, кадрлар тайёрлаш масаласида ҳам бу соҳада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ху-

сусан, Тошкент темир йўл муҳандислари институтини 1000 га яқин талаба битиради. Улар йил давомида битирув-малакавий амалиётини темир йўл саноат корхоналарида олиб боришади. Бу эса уларнинг ҳам маънан, ҳам руҳан салоҳияти, малакасини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига мувофиқ Акциядорлик жамиятининг молиялаштириш манбалари ҳисобидан 673,66 миллион доллар миқориде капитал маблағлар ўзлаштирилиб, давр прогнози 100,1 фоизга бажарилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан 2013 йилда бошланган, Қамчиқ довоини орқали лентиз сатҳидан 2200 метр балан-дикдан ўтувчи “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўли қурилиб, Фарғона vodiёсини республикамизнинг бошқа вилоятлари билан боғлади. Бундан ташқари, у Хитой-Марказий Осиё-Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим буғини ҳисобланади.

Узуниги 123,1 километр бўлган мазкур темир йўл ва ушбу лойиҳа доирасида 19,2 километрни ташкил этувчи “Қамчиқ” темир йўл туннелининг қурилиши қувонарли ҳол, албатта.

11 июлдан бошлаб мазкур янги темир йўл орқали водийга

ҳамда у ердан республикамизнинг бошқа худудларига юк поездлари қатнови бошланди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиғи байрами арафасида эса Тошкентдан Андижонга биринчи йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Тошкент-Андижон—Тошкент йўналишида ҳар кунини 2 жўфт замонавий тезорар йўловчи поездлар, ҳафтасига 2 маротаба эса Андижон—Бухоро—Андижон йўналишида йўловчи поездлар қатнови амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, бир суткада 17 та юк поезди янги темир йўли орқали юкларни ўз манзилларига етказиб қўймоқда.

Муҳим янгиланган яна бири — Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари оралиғида 140 километрдан ортқ янги темир йўли қурилиб, Фарғона vodiёсини республикамизнинг бошқа вилоятлари билан боғлади. Бундан ташқари, бир суткада 17 та юк поезди янги темир йўли орқали юкларни ўз манзилларига етказиб қўймоқда.

Муҳаммадали МАМАДАЛИЕВ,
“Hurriyat” мухбири

хоро—Тошкент йўналишида юқори тезликда “Афросиёб” электропоезди ҳаракатланмоқда.


Темир йўлларда электрлаштириш жараёни ҳамда янги темир йўлларини қуриш бўйича ишлар қизғин давом эттирилмоқда. Бундан ташқари акциядорлик жамияти томонидан Тошкент шаҳрида метро қурилиши ҳам режалаштирилган. Жумладан, иккига лойиҳа бўйича ишлар режага киритилган бўлиб, биринчиси Юнусобод йўналишини охиригача етказиб ва ер усти метро қурилишини бошлаш ақциядорлик жамияти зиммасига юкланган.

Мутасар айтганда, мамлакатимизда амалга ошириляётган иш-ҳўнлар қайси соҳада бўлмасин, ўзининг юксак натижасини кўрсатмоқда. Темир йўл соҳасининг ҳам самарали фаолиятини нафақат иқтисодиётимизнинг ривожланишига хизмат қилади, балки кишиларни бир-бирига яқинлаштиради, юксалиш бардавом бўлади.

«Бошланғич I-бетда»

Бошловчи — Уктам МИРЗАЁРОВ, журналист:

Мунозарага киришадан аввал, газетхонларимизга “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуннинг бугунги кундаги зарурлигини аниқ факт ва мисоллар билан тушунтириб берсак. Мамлакатимиз халқаро миқёсда ўз обрў-эътиборига эга бўлиб бормоқда. Албатта, бу халқаро талаблар доирасида фаолият юритишни талаб қилади. Мисол учун, давлатимиз рейтингини белгилашда тегишли маълумотларни ахборот воситалари, ҳусусан, интернетдан узатиладиган хабарлар орқали йиғиш, тўплаш, ишлов бериш ва ҳулосалар чиқариш жараёнини биз таърифини келтираётган “электрон ҳукумат”нинг бир кўриниши ҳисобланади.



Шу ўринда қуйидаги саволни ўртага ташламоқчиман, ҳўш, қонун яратилди. Уни ҳаётга татбиқ этиш жараёни илдамлашмоқда. Айтгин-чи, ундан ўз турмушида фойдаланиш, эҳтиёж туғилганида қўлаш учун омма қай даражада тайёр деб ўйлайсиз? Яратилган бу қулайликлардан фойдаланишлари учун одамлар нима қилиши зарур?

Эркин ХОЛБЎТАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

Авалло, босма ОАВда ушбу давра суҳбатининг ташкил этилгани айтиш мумкин бўлди. Биламизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга, иқтисодиётнинг барча соҳаларида ахборот тизимларини кенг жорий қилишга қаратилган ўндан ортқ қонунлар ва 450дан ошиқ қонунности ҳужжатлар қабул қилинганини таъкидлаб ўтиш лозим.



Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши жамятимиз ҳаётига, давлат органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида телекоммуникация инфратузилмаси жадал ривожланди ва тубдан ўзгарди, ҳусусан, жамятимиз ҳаётига интернет, мобиль алоқа, IP-телевидение ва рақамли технологиялар кириб келди, шунингдек, давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари, ҳамда уларнинг расмий веб-сайтлари яратилиб, жорий қилинди, интерактив давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди.

Эндиликда ушбу давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари н ҳамда маълумотлар базаларини ягона тизимга бирлаштириб, ўзаро интеграциялаш, бир хил стандартлар, тартиб ва қоидалар асосида электрон давлат хизматларини кўрсатиш, соҳани янги босқичга олиб чиқиш мақсадида, шунингдек, идораларо электрон ҳамкорлик қилиш орқали “бир дарча” принципи асосида давлат хизматларини кўрсатиш, умуман, мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини жорий қилиш учун ҳуқуқий асос яратиш мақсадида ушбу “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши билан давлат органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини электрон тарзда кўрсатиш учун ҳуқуқий асос яратилди.

Қонуннинг асосий мақсадлари ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш асосида:

- электрон давлат хизматларини кўрсатиш тартибларини мақбуллаштириш;
- электрон давлат хизматларининг сифати ва улардан фойдаланиш қулайлигини ошириш;
- давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш ва уларни кўрсатиш муддатларини қисқартириш;
- шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш ва олиш билан боғлиқ маъмурий харажатларни камайтириш;
- давлат органларининг маълумотлар базаларини шакллантириш;
- давлат бошқаруви тизимида “бир дарча” принципини жорий қилиш;
- коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш;
- тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижорат тизимдан ва бошқа банк-молия хизматларидан фойдаланишга кенг имкониятлар яратиш ҳисобланади.
- Бугун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилиб, Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ҳамда 72 та касб-ҳунар коллежида ушбу йўналишда таълим берилмоқда.
- Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш Комплекс дастурига асосан, Тошкент ахборот технологиялари университети негизида, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз филиалларига эга бўлган, “Электрон ҳуку-

мат” ўқув маркази ташкил этилиб, давлат органлари ходимларининг, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг компьютер саводхонлиги ошириб келинмоқда.

Бундан ташқари, аҳолининг компьютер саводхонлигини янада ошириш мақсадида “Бунёдкор ёшлар” гуруҳлари ташкил этилиб малакали профессор ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар томонидан маълумотлар, ҳокимлик билан ҳамкорликда республика-мизнинг барча ҳудудларида жойлашган 93 та коллежда бепул ўқув машғулоти ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирлар натижасида сўнги беш йилда 80 мингдан зиёд аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича билимлари мустаҳкамланди.

Шунингдек, жорий йилнинг 8 июнида ТАТУ ва унинг филиаллари билан видео-конференция алоқаси орқали талаба ёшларни ўқитишга доир семинар ташкил этилди. Унда маслаҳатчи-эксперт жаноб Ким Нам Соқ, Ли Чул Су ва университет педагоглари томонидан маърузалар ташкил этилиб, “Бунёдкор ёшлар” компьютер саводхонлиги ўқув курсининг мазмун моҳияти ва қўйлаётган талабалар юзасидан тушунтиришлар берилди.

Бундан ташқари, жорий йилда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Маданият ва маърифат” телеканали билан биргаликда аҳолини АКТ саводхонлигини ошириш бўйича 9 та телекўрсатув ташкил этилди.

Хусусан, “Ягона интерактив давлат хизматлари портали — My.Gov.Uz” мавзусида 45 дақиқалик “Академик соат” кўрсатуви ташкил этилди. Ушбу кўрсатув жорий йилнинг ўзида 4 марта эфирга узатилди.

Бу ҳам аҳолини компьютер ва интернет технологияларидан фойдаланиш, АКТ соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан таништиришда билвосита ўқитиш тадбирларидан бири саналади.

Электрон ҳукуматнинг ривожланиш даражаси бўйича жорий йил 30 июлда эълон қилинган “Электрон ҳукуматнинг ривожланиш даражаси бўйича БМТ таҳлили”даги дунё давлатлари рейтингига Ўзбекистон “электрон

микдорда ошиқча пул ушлаб қолинганини аниқлайди. Масъул ходимга қўнғирок қилиб, муаммони айтгач, солиқ ходими тўловномаларни олиб келиб, қайта ҳисоб-китоб қилишни маслаҳат беради. Кўриниб турибдики, оворагарчилик устига оворагарчилик юзага келяпти. Солиқ тизимидаги электрон ҳукуматга асосланган ички ҳисоб-китоблар инсон омили туфайли изчил йўлга қўйилмагани оқибатида шундай муаммо келиб чиқаяпти. Савол қуйидагича: агар электрон ҳукумат хизматлари фаолиятга (амалга) киририлгач, шундай муаммолар келиб чиқса, аҳоли қандай йўл тутishi керак?

Марҳабо ҒОҒУРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:

— Бу жиғидий савол. “Электрон ҳукумат” тизими давлат ва жамяият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек давлат хизматлари кўрсатиш ваколати берилган бошқа ташкилотлар ўзларининг зиммасига юклатилган функция ва вазифалардан келиб чиқиб электрон ҳукумат доирасида давлат хизматларини кўрсатишда иштирок этишади. Улар электрон ҳукумат соҳасида ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг, шунингдек, электрон давлат хизматларининг жорий этилишини, ривожлантирилишини ҳамда интеграциялашувини таъминлайди. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифати учун маъсулият ушбу хизматларни кўрсатувчи давлат органлари зиммасига юклатилади.



“Электрон ҳукумат”ни ким бошқаради?

Иштирок”, фуқароларнинг қарорлар қабул қилишига иштирокчини ифодалаш даражаси, мамлакатни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали демократик бошқариш халқаро рейтингларида юқори натижаларга эришиб, ушбу соҳада ривожланган давлатлар қаторидан жой олганлиги ҳамда 47-ўринни эгаллаганлиги омманинг ўз турмушида электрон давлат хизматларидан фойдаланиш қундан-қун ортиб бораётганининг яққол исботи десак муболаға бўлмайди.

Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП), Очиқ маълумотлар портали, давлат органларининг расмий веб-сайтлари, ахборот ресурслари ва тизимлари, уларнинг мажмуалари ва бошқа ресурслар самарали фаолият юритмоқда. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 280 дан зиёд давлат хизматлари жорий қилинган фуқароларга ва тадбиркорлик субъектларига янада кўпроқ қулайликлар яратиб, мушкулни осон қилишга хизмат қилмоқда.

Қолаверса, фуқароларимизнинг “электрон ҳукумат”даги иштироки алақачон бошланган. Бунга биз ўз турмушимиздан қўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Эътиборли жиғати шундаки, янги қабул қилинган қонунда электрон давлат хизматларини ўз вақтида ва электрон давлат хизматларининг регламентларида мувофиқ олиш, электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни олиш, электрон давлат хизмати кўрсатилишининг бориши тўғрисида ахборотлар олиш ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларини олишдаги ҳуқуқлари сифатида белгилаб қўйилди.

БОШЛОВЧИ: — Ўқувчиларда “Электрон ҳукумат”ни ким бошқаради, ёки унинг учун маъсулият кимнинг зиммасида бўлади, деган саволлар ҳам туғилиши мумкин. Айтгинчи, “Электрон ҳукумат” тизимида ахборотлар қай тарзда йиғилади ва ишлов берилади? Янада соддароқ ифодаланиш билан бўлса, омма ўзини қизиқтирган саволларга жавобни қандай қилиб олади? Мабодо, жавобдан қониқмаса, “бошини қайси тошга уриши” керак? Бундай дейишга асос бор. Респондентларимиздан бири қуйидаги ҳолатга дуч келган ва ҳеч кимдан аниқ жавоб ололмаган. Гап солиққа тортиш тизими ҳақида кетаяпти. Биламизки, бугунги кунда аҳоли ҳар йили ўз даромадлари ҳақида йилнинг биринчи апрелига қадар декларация тўлдирди ва ҳозир буни электрон хизматлар ёрдамида бажариш учун ҳам имкониятлар мавжуд. Аммо ўша респондентларимиз ўз даромадларини ҳисоб-китоб қилиш жараёнида ўзидан 150000 сўм миқдорда пул ортиқча ушлаб қолганини аниқлайди ва ўша маблағни мол-мулк солиғига йўналтиришларини илтимос қилиб, тегишли аризани ёзади ва ҳужжатларга имзо чекади. Орадан икки ой ўтиб, хонадонига солиқ хизмати ходими келиб, мол-мулкдан қардор эканини айтади ва яна тўлов талаб қилади. Табиийки, респондент яна тўловни амалга оширади. Бир муддат ўтиб, аввалги тўловлар ёдига тушиб, тўловномаларни жамлаб ҳисоб-китоб қилади ва ўзидан каттагина

Хорижий таърибани ўрганишда шу нарса аён бўлдики, турли давлатларда электрон ҳукумат соҳасида ваколатли орган этиб ҳар хил органлар белгиланган. Мисол учун, Жанубий Кореяда ҳукумат соҳасида ваколатли орган давлат бошқаруви ва Ички ишлар ва зирлиги ҳисобланади. Мамлакатимизда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ва зирлиги электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган сифатида белгиланган бўлиб, электрон ҳукумат соҳасида ягона давлат сиеатини амалга оширади. Электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган ўз ваколатлари доирасида электрон ҳукумат инфратузилмасининг марказий маълумотлар базалари, идораларо электрон ҳамкорлик қилиш тизими, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, маълумотларга ишлов бериш маркази ва идораларо маълумотлар узатиш тармоғининг узлуқсиз ишлаб туришини таъминлайди.

Қонуннинг 23-моддасида ариза берувчиларга электрон давлат хизматларини олишда электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органларга ёки мансабдор шахсларга ёхуд судга белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқи берилган. Сиз мисол тариқасида келтирган ҳолат юзасидан ҳам солиқ тизимидаги ўша ишга масъул ходим жавобгардир. Бу борада тартибот ва тушунтириш ишларини мунтазам ошириб бориш керак. Ҳамма гап маъсулиятда.

БОШЛОВЧИ: — Суҳбатимиз маромидан шу нарса аниқ бўлаптики, аҳоли алақачон, табиий равишда “Электрон ҳукумат” жараёнларида қатнашапти. Масалан, қўл телефони орқали бир қатор коммунал, банк ва бошқа тўловларни амалга ошириш, дуқонларга, озиқ овқат муассасаларига ва бошқа истеъмол эҳтиёллари учун бюуртма беришлар олдий ҳолга айланмоқда. Айтгинчи, электрон ҳукумат яна қайси қўламларни ўз ичига олади? Имконияти чекланганми?

Улўбек САМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:

— Дарҳақиқат, бугун интернет-дан фойдаланувчилар сони 12 миллион 100 мингдан ошиб кетди, давлат хизматларини кўрсатишнинг сифатини оширишга қаратилган 318дан ортқ давлат ахборот ресурслари ва 485дан зиёд давлат ахборот тизимлари ишлаб турибди. 2016 йилнинг 6 ойлик аяунлари бўйича 10 минг 800 та веб-

сайтлар миллий доменимизда (WWW.UZ) рўйхатга олинган. Яратилган бундай имкониятлар аҳолиимизнинг турмуш тарзини юксалтириш билан бир қаторда, уларнинг қимматли вақтларини тежаш ва ортқча сарф-харajatларнинг олдини олиш имконини ҳам бермоқда.

2013 йил 1 июлдан ўз фаолиятини бошлаган Ягона интерактив давлат хизматлари портали бугунги кунга келиб 280 дан ортқ интерактив давлат хизматларини тақдим этмоқда, унга 2000дан ортқ давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари уланган. Ўтган давр мобайнида ушбу портал орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 577,2 мингдан ортқ мурожаат ва сўровлар келиб тушиб, интерактив усулда ўзларининг турли масалаларини ҳал этиб келаятганлиги, фуқароларимизнинг ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш борасидаги ҳаракатлари нечоғлиқ фаол эканлигини далиллайди.

Келгусида электрон ҳукумат доирасида Ягона интерактив портал орқали кўрсатилаётган давлат хизматлар қўлами босқичма-босқич ошириб борилиб 2020 йилгача 410 тадан ошириш режалаштирилган.

Қонуннинг асосий тамойилларидан бири Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибин мунтазам тақомиллаштириб боришидир. Бу тамойилга кўра Электрон давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ўзларининг ортқча маъмурий тартиб-таомилларини бартароқ этиш, ариза берувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар сони ва хизматларни кўрсатиш муддатларини қисқартиришга қаратилган чораларни мунтазам равишда амалга ошириб боришлари белгилаб қўйилди.

Имконияти чекланганми, деган саволга жавоб берадиган бўлсак, албатта, йўқ деб жавоб берган бўлардим. Сабоби замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бошқа соҳаларга нисбатан жуда тез суъратларда ривожланиб бормоқда. Компьютер, интернет, мобиль алоқа каби замонавий ахборот технологияларининг пайдо бўлиш тарихини олиб қарасак, қисқа муддат ичида, яъни сўнги 30 йил ичида оламш-

ли банк карталаридан фойдаланган ҳолда тўлов механизминин жорий этиш имконини берди. Қонуннинг 11-моддасига асосан товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи электрон тижоратда товарларни реализация қилишда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунига ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари белгиланган бўлиб, унга кўра сифатсиз бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) туфайли истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар, шунингдек, яроқлилик муддати ўтган товарларни реализация қилиш ва сотиш учун қабул қилганлик, бида туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик туфайли истеъмолчиларга зарар етказганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилди. Истеъмолчига етказилган зарар учун ижрочни ушбу Қонуннинг 20, 22, 27, 29-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Қонун янги таҳрирда қабул қилингандан сўнг уни амалиётга самарали татбиқ этиш мақсадида қатор қонуности ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-қарорига 1-илоvasи билан “Электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари” тасдиқланди. Ушбу қоида билан шартнома шартларини бажаришни рад этиш тартиби белгиланган. Унга кўра харидор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сифатсиз маҳсулотни қайтариб бериш ҳуқуқига эга.

БОШЛОВЧИ: — Бугунги суҳбатимизни ҳулосалашдан аввал қуйидаги саволлар атрофида ҳам фикр алмашсак, дейлик, электрон ҳукумат имкониятлари қўл телефонлари билан чегараланиб қолмаса керак. Унинг бошқа, муҳимроқ жиғатлари ҳақида ҳам гаплшсак, масалан, бу соҳада хориж таъриблари қандай муаммолар нимадан иборат? Ёлгон маълумотлар учун ким жавоб беради? Энг муҳими, “Электрон ҳукумат” хизматларидан фойдаланиш чўнтағимизга қанчалик фойда ёки зарар келтиради?

Эркин ХОЛБЎТАЕВ: — Айрим давлатларнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига “электрон ҳукумат” тизимини кенг жорий қилиш ва ривожлантириш муҳим омили бўлган дейишга тўлиқ асосларимиз бор.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 январдаги “Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аяунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан иқтисод келтириш ўринли деб ўйлайман. Ислом Каримов: “Бугунги шароитда, интернет ва электроника даврида иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, “Электрон ҳукумат” тизими фаолиятини янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эгадир.

Ҳаҳон таърибаси шундан далолат берадики, айни пайтда глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ҳаҳон миқёсида яратилаётган янги ички маҳсулотнинг таъминин 5,5 фоли ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда. Нуфузли халқаро экспертларнинг фикрига кўра, 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ошади. Масалан, Корея Республикасининг янги ички маҳсулотига ахборот-коммуникация технологияларининг улуши 11,8 фоиздан зиёдни, Швецияда 7 фоизни, Америка Қўшма Штатларида эса 6,8 фоизни ташкил этади.

Сўнги йилларда иқтисодиётимизнинг мазкур тармоғи жадал суъратлар билан ривожланиб бораётганига қарамасдан, ҳозирги вақтда биз бу борада дастлабки босқичда турганимизни тана олшимиз даркор. Яъни мамлакатимиз янги ички маҳсулотнинг атиги 2 фоизга яқини ахборот-коммуникация технологиялари ҳиссасига тўғри келмоқда”, — деб таъкидлаган эдилар.

Муаммоларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, бугунги кунда фуқаролар эскича қарашлардан воз кечиб, “шаҳсан ўзим бормасам ишим битмайди” ёки “ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янги билмайман” қабилидаги баҳоналарни ўйлаб топмасдан, давлатимиз томонидан электрон ҳукумат соҳасида яратилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиши лозим бўлади. Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини изчил ошириб бориш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда “электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқларининг яратилиши ҳамда идораларо электрон ҳамкорлик қилиш тизимининг ишга туширилиши натижасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари сони ва сифати ошади, шунингдек, давлат бошқарувида очиклики таъминлаш орқали халқнинг давлат органларига бўлган ишончини оширади.

мул ўзгаришларга сабаб бўлди. Янги муомалага киририлган ахборот технологиялари ёки дастурий таъминот, бир йилда умрини яшаб бўлиб, ўрнига янгилари пайдо бўлмоқда. Шулардан келиб чиқиб қарасак, вақт ўтиши билан аҳолининг эҳтиёлларидан келиб чиқиб электрон ҳукумат соҳасидаги хизматлар мунтазам равишда янгилашиб, ривожланиб бораверди. Мисол учун, “электрон ҳукумат”ни жорий қилиш ва ривожлантириш бораида етакчи бўлган Жанубий Корея давлатида “электрон ҳукумат”нинг иккинчи босқичига ўтганлигини кузатишимиз мумкин. Иккинчи босқич деганда шартли равишда Очиқ маълумотлар порталининг ривожланишини тушунишимиз мумкин.

Бошловчи: — Шу ўринда яна бир савол туғилапти. Дейлик, электрон тизим орқали дўконга қаймоқ бюуртма бердик. Аммо ижрочи ходим у ердан бизга қаттиқ билан сметана аралашмасини олиб келди (қўп ҳолларда шундай бўляпти ҳам). Харидор кимнинг “ёқасидан олиши” керак? Сифатсиз маҳсулотни қайтариб бера оламизми? У жараён қандай кечади? “Korzinka.uz” ходими: “Билмайман, менга беришгани шу”, деб турса нима қиламиз?

Расул КУШЕРБОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:

— Ушбу масала электрон тижорат соҳаси таалуқли бўлиб, бундай масалалардаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Эътиборли жиғати, ушбу соҳани жадал ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш, янада кенгроқ имкониятлар яратиш мақсадида 2004 йилда қабул қилинган ушбу қонун ўрнига 2015 йилда қонунчилик палатаси томонидан қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Янги таҳрирдаги қонун қоидалари билан жисмоний шахслар-электрон тижорат субъектларини учун электрон ҳужжатларда электрон рақамли имзонинг бир марталиқ идентификация қилиниши бўйича қатъий талаб бекор қилинди, жисмоний шахслар — электрон тижорат субъектларига электрон рақамли имзонинг бир марталиқ идентификация қилиниши рўхсат этилди. Бу эса электрон билимларни расмийлаштиришни соддалаштириш ва интернет тармоғи орқ-



Ў.С. Бугунги суҳбат жараёнида меҳмонларимиз мавзунини атрофлича қамраб олишга ҳаракат қилишди. Табиийки, бу ҳали ҳаммаси эмас. Ушбу суҳбатдан сўнг умумийликларимизда ҳам қизқарган саволлар туғилиши, фикрлар пайдо бўлиши мумкин. Ҳар нарсанинг бошланғич бўлгани каби, интиҳоси ҳам бор. Шу жабҳада суҳбатга нуқта қўйиб, иштирокчиларга катта миннатдорлик билдирамиз. Муштарийларимиздан эса бу борадаги фикр-мулоҳазаларни кутиб қоламиз.



Кичик бизнес — тараққиёт омили

► ШАРХ

Мамлакатимизда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор қаратилиб, соҳа ривожини йўлида хайрли ишлар қилинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлигини кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қабул қилган фармони бу ишларга сезиларли туртки бериши шубҳасиз. Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, улар фаолиятини давлат органлари аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг олди олиншини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди. Бу бежиз эмас. Зеро, кўпгина мамлакатлар, жумладан, Хитойнинг сўнгги 30 йилда кўпга киритган ютуқлари замирида иқтисодий тизимдаги олиб борган самарали ислоҳотлари туришини бугунги кунда таҳлилчилар айтиши мумкин.

Ислоҳотлар бошланган йилларда Хитойда деярли хусусий корхона йўқ эди. Бугунги кунда улар умумий ишлаб чиқаришнинг 75 фоизини ташкил қилмоқда. Мамлакатда нафақат хусусий мулкчиликка, балки иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ҳам муносабат тубдан ўзгарди. Авваллари ишлаб чиқариш ва истеъмол марказлашган бўлса, эндиликда улар фирма ва оилалар қўлига ўтди. Туб ислоҳотлар натижасида маъмурий буйруқбозлик ўрнини иқтисодий ташаббускорлик, бозорга мослашув, рақобатбардорлик эгаллади.

Таҳлилчиларнинг фикрича, индивидуал ташаббусларнинг эркинлиги иқтисодий тараққиёт омили эканлигини Хитойдаги ислоҳотлар исботлади берди. Ҳукумат нафақат сановатда, балки аграр соҳада ҳам кенг қамровли ислоҳотлар ўтказишга қарор қилди. Хитой жаҳондаги ҳайдаладиган ерларнинг 7 фоизига эга бўлишга қарамай, ер қурали аҳолисининг тўртдан бир қисmini боқмоқда. Бир вақтлар халқро ҳамжамят олдиди "Хитойни ким боқди?" деган хавотир пайдо бўлган эди. Ушундан Хитой раҳбарлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари "Хитойликлар ўзини ўзи

боқа олади" деб ўз вақтида жавоб қайтаришга кўпчиликнинг ёдида. Қишлоқларда ислоҳот бошланган 1978 йилдан бошлаб Хитойда аграр соҳа ривожлана бошлади. Бунинг самараси ўлароқ, бугунги кунда Хитой ғалла, пахта, ёғ-мой, сабзавот-мева, гўшт, тухум етиштиришда жаҳонда етакчилик қилади.

Ишлаб чиқариш ривожланиши натижасида аҳоли жон бошига тақсимланадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам ошди. Ўтган асрнинг 90-йилларида Хитойда давлат корхоналари хусусийлаштирилди бошланди. Юзга келиши мумкин бўлган ишсизлик даражаси ошишига йўл қўймаслик мақсадида ҳукумат кичик корхоналарга катта аҳамият қаратишди. "Кичик бизнесни молиялаштириш дастури"ни кенгайтириш мақсадида ҳукумат иқтисодий тараққиёт йўлида қўнунчиликни тақомиллаштирмоқда. Жумладан, 2002 йилда ҳукумат иқтисодиётнинг нодавлат секторига ривожланиш бораётган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини тараққиёт этириш тўғрисида"ги қўнунини қабул қилди.

Кичик ва ўрта бизнесни тараққиёт этириш йўлида махсус давлат жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарманинг асосий мақсади кичик бизнес корхоналарини йирик компаниялар билан ўзаро рақобатда ҳимоя қилиш ва уларнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришлари учун имконият яратиш беришдан иборатдир. Айнаи дамда Хитойда 2020–2050 йилларга мўлжалланган иқтисодиётни модернизация қилиш дастури тасдиқланган.

Таҳлилчиларнинг фикрича, кичик бизнеснинг юқалиб бориши корхоналар барқарорлигини таъминламоқда. Шу тариқа мамлакат бюджетига солиқлар тушуми кўпаймоқда. Хитой Давлат статистика қўмитаси тарқатган хабарга қараганда, бугунги кунда мамлакатда кичик бизнес корхоналарида меҳнатга яроқли аҳолининг 75 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида кичик бизнес мамлакат иқтисодиётининг юраги эканлигини намойиш қилмоқда.

Мамлакатдаги кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳоризоний компаниялар билан технология қамқорлигига ёрдам бериш мақсадида махсус агентлик — Хитой Бизнес кооперацияси ва мувофиқлаштириш Маркази ташкил этилган.

Таъкидлаш керакки, Хитой кичик бизнеси майда устанолардан бошланган. Йиллар ўтиб кичик бизнес "Хитой мўъжизаси"ни яратди. Бугунги кунда Хитой матбуотининг ёзишича, "мамлакатда осмонупар бинолар ёмғирдан кейин-



ги қўзиқориндек кўпайиб бормоқда". Экспортта чиқарилаётган рақобатбардор маҳсулотларнинг асосий қисми айнан кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Жаҳондаги электроника маҳсулотларининг катта қисми "осмоноти мамлақати" корхоналарида йиғилганлигини ҳам тан олиш керак. Эслатиб ўтиш зарурки, мамлакатда арзон, шу билан бирга сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг натижасида жаҳоннинг ҳар бир мамлақатида Хитой маҳсулотларини учратиш мумкин. Кўпчилик италия пойабзали, инглиз костюм-шимми, швейцария соатидан фойдаланишдан фахрланиши мумкин. Бироқ фахрланишга (тўғрироғи, мақтанишга) шошилш керак эмас. Агар диққат билан қарайдиган бўлсак, (Африка, Австралия, Европа ёки Америкада бўладими) дунёнинг ҳар бир минтақасида истиқомат қилувчи оилаларнинг дастурхонидидаги маҳсулотлардан тортиб маиший турмушда ишлатилаётган буюм ва жиҳозларнинг ҳаммасида "Made in China" тамғасини кўришимиз мумкин. Хитойда жаҳондаги машҳур брендли машиналарга ўхшаш автомобильларнинг ишлаб чиқарилаётгани ҳам тан беришдан бошқа иложи йўқ. Тўғри, ҳозирча Хитойда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар сифати япон, немисларники даражасига ета олмаган, бироқ хитойлик мутахассислар қўл қовуштириб, мотиржам ўтиришмапти. Мамлакат тадбиркорлари жаҳонда янги пайдо бўлган ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган.

Экспертлар Хитойдаги иқтисодий тараққиётга баҳо берар экан, бунга мамлакат аҳолисининг миллий менталитети асосий омили бўлаётганини таъкидлашмоқда. Чунки, меҳнатни иқтисодий фаворонлик омили билан бир қаторда миллий қадрият деб билган хитойликлар уларнинг тадбиркорликлари ва меҳнатсеварликлари билан фахрланишади.

АҚШ иқтисодиётида кичик бизнес қандай аҳамиятга эга эканлигини билимоқчи бўлсангиз, хоҳлаган шаҳарнинг хоҳлаган кўчасига чиқсангиз кифоя, бунга ўзингиз амин бўласиз. Ҳар қадамдаги дўкон, маиший хизмат кўрсатиш

шаҳобчаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзгини ташкил қилади. Таҳлилчиларнинг фикрича, мамлакатда яратилаётган янги иш ўринларининг 70 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади.

АҚШда "капитализмнинг таянч нуқтаси" ҳисобланмиш кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тамойили Буюк Турғунлик ва Иккинчи жаҳон уруши даврида пайдо бўлган. Турғунлик даврида зиён кўрган катта ва кичик корхоналарга қарз бериш мақсадида 1932 йилда Федерал дастур ишлаб чиқилди. Айнаи ўша йилларда кичик бизнесга беришган катта эътибор туфайли ижтимоий аҳамиятга эга янги иш ўринлари яратилди. 1942 йилда эса кичик бизнес тараққиёти йўлида уларни молия билан таъминлаш масаласи давлат миқёсда муҳокама қилинди. 1953 йил 30 июлда эса Конгресс кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган биринчи қўнунини қабул қилди. Бу қўнун АҚШда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш давлатнинг устувор мақсадларидан бири эканлигини кўрсатди. Айнаи ўша йилда Кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият (US Small Business Administration — SBA) ташкил қилинди. Бу ташкилот шу кунга қадар ҳуқуқий мақомига кўра, ҳукумат таркибидида федерал агентлик сифатида фаолият юритади. Агентлик ҳукумат даражасида кичик бизнес манфаатларини ҳимоя қилиб келади. Бош қароргоҳи Вашингтонда жойлашган Агентлиكنинг филиали мамлакатнинг деярли ҳамма йирик шаҳарларида фаолият юритади. Унинг 14 минга бўлими бор. Шу тариқа кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсати нафақат иқтисодий марказларда, балки мамлакатнинг барча штатларини қамраб олган. Унинг раҳбари президент томонидан тайинланадиган, Сенат томонидан тасдиқланадиган.

Иқтисодиётнинг двигатели бўлгани сабабли ҳам АҚШда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга ҳамisha катта эътибор ва аҳамият қаратиб келинади. АҚШда кичик бизнес деярли "ноль"дан бошланади. АҚШдаги нодавлат фирмаларнинг 99 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. Бироқ, уларнинг айримларини ташкил этишда давлат беvosита иштирок этишини ҳам эслатиб ўтиш керак.

Таҳлилчиларнинг фикрича, глобал инқироз юз бергунга қадар ҳар йили АҚШда ўртача 500 мингдан ортиқ кичик корхона ташкил этилиб, тахминан шунча корхона фаолиятини тўхтатган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi туфайли янги корхоналарнинг пайдо бўлишидан кўра, тугатилиши кўпайган.

Жаҳон иқтисодиётида катта ўрин эгаллайдиган АҚШ Яппи ички маҳсулотининг тенг ярми кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. Шарҳловчиларнинг фикрича, бир йилда кичик бизнес вакиллари 6 триллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

"Ҳеч қачон таслим бўлмастик". Бу америкалик тадбиркорларнинг олтин қондасидир. Акс ҳолда "Америка орзуси" армонга айланиши мумкин. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби АҚШда ҳам кичик бизнес қўллаб-қувватлашга муҳтож. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тўртта (маблағ олиш, таълим олиш, давлат буюртмаларини кўлга киритиш, сулдаларга уларни ҳимоя қилиш) Федерал дастурларининг бажарилиши Конгресс томонидан қузатиб борилади, президент эса йилда бир марта "Кичик бизнес тўғрисида" махсус ҳисобот билан чиқади. АҚШ қўнунлари бўйича давлат буюртмаларининг 23 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келиши шарт. Маълумки, жаҳонда маҳсулот ва хизмат кўрсатиш бўйича АҚШ энг йирик буюртмачи саналади. Айнаи шу ҳолатни Конгресс ўз назоратига олган. Бу борада Конгресс буюртмалар биринчи навбатда аёллар ва миллий озчиликни ташкил қилувчи аҳоли вакиллари томонидан ташкил этилган корхоналарга берилиши учун қайғуради. Мабодо, буюртма жуда катта бўлиб, кичик корхоналар буни удалай олмайдиган тақдирда ҳам Конгресс ўз ниятидан қайтмайди.


Бир сўз билан айтганда, "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" фармон, энг аввало, мамлакатимизда хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кўчайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жонивдорлигини оширишга йўналиш берилган. Ушбу соҳада давлат сиёсати сифат жиҳатидан янги даражага ўтиши қўтилмоқда. Фармоннинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий гавлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентини томонидан белгиланган йўлнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш имконини беради.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

► БУ ТУРФА ОЛАМ

NEW HORIZONSDAN ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

New Horizons станциясидан Плутон-Харон тизими тўғрисидаги энг сўнгги маълумотлар олинди. Мазкур станция раҳбари сайёрашунос Алан Штернинг айтишича, эндиликда олимлар олинган маълумотларни батафсил таҳлил этишлари керак бўлади.



50 гигабит ҳажмидаги маълумотлар шу йил 25 октябрь куни Мэриленддаги амалий физика лабораторияси томонидан олиб бўлинди. 2019 йилнинг 1 январь куни New Horizons ўзининг навбатдаги манзили — 2014 MU69 осмон жисми яқинидан учиб ўтади. Айтиш керакки, мазкур станция 2015 йилнинг 14 июлида секундига 14 километр тезликда Плутонга энг яқин масофадан, яъни 12,5 миң километр узоқликдан ўтиб кетган эди.

АНТАРКТИДА ЭНГ КАТТА ДЕНГИЗ ҚўРИҚХОНАСИ

Австралиянинг Тасмания штатида бўлиб ўтган Антарктида денгиз комиссиясининг йиғилишида музлик қитъада энг йирик денгиз қўриқхонасини барпо этишга қарор қилинди. Анжуманда 24 мамлакат, шуниқдек, Европа Иттифоқи вакиллари ҳам иштирок этишди.



Янги Зеландия ташқи ишлар вазирини Мюррей Маккалининг маълум қилишича, қўриқхона 1,57 миллион квадрат километрлик майдонни эгаллаган Росса денгизи ҳудудини қамраб олади. Қўриқхона тўғрисидаги битим келаси йилнинг 1 декабрь кундан кучга киради. Ушбу битимга кўра, бу ерларда балиқларни овлаш 35 йил мобайнида тақиқланади.

Росса денгизи Жанубий океanning атиги 2 фоизини ташкил этса-да, лекин бу ерда Адели пингвинларининг 38 фоизи, бўрон қушларининг 30 фоизи ва кичик йўл-йўл китларнинг 6 фоизи яшайди.

Ингернет материаллари асосида А.А.ЗИМОВ тайёрлади

► ЖУГРОФИЙ САЁХАТ

Бу галги жуғрофий саёҳатимиз Бирлашган Араб Амирликлари ва дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири Дубайга бўлади.

Бу давлат 1971 йилнинг 2 декабрида федерация сифатида ўз мустақиллигига эришган. Унга Араб амирликларининг еттига: Абу-Даби, Ажман, Рас-ал-Хайма, Умм-ал-Кайвайн, Шайжа, Ал-Фужайра ва Дубай каби шаҳарлар кирди. Мамлакат пойтахти Абу-Даби шаҳри. Сийёсий тизимига кўра ҳар бир амирликни мутлақ монарх бошқаради. Еттита монарх биргаликда Олий Федерал Кенгаши назорат қилади ва мана шу еттига монарх мамлакат Амирини сайлайди. Давлат қўнунларини чиқаришда амирликлар ичда фақат Абу-Даби ва Дубай вето (чеклаш) ҳуқуқига эга.

Мамлакатда инглиз тилидан кенг фойдаланилса-да, араб тили расмийдир. Аҳолиси ислом динига эътиқод қилади. Аҳолининг 10-15 фоизи туб миллат вакиллари. Қолган 85 фоизи эса Осиёнинг бошқа мамлакатларидан кўчиб келганлардан иборатдир. Хусусан, ҳиндистонликлар 51 фоиз, пакхистонликлар 16 фоиз, бангладешликлар 9

фоиз, филиппинликлар 3 фоизни ташкил этади. Бирлашган Араб Амирликлари барча Форс кўрфазини мамлакатлари каби ёнили-энергетик ресурсларга бой. Улар ҳисобидан келадиган катта маблағ очик халқро молия тизимини яратишга сарфланади. Ҳозирги кунда БАА таркибига кирувчи амирликлардан бири Дубай Осиёнинг Япония ва Сингапурдан кейинги асосий савдо-сотиқ операциялари амалга ошириладиган марказга айланган.

Дунёдаги иқтисодий ривожланган шаҳарлардан бири Дубайнинг халқро катта партнёри Хитой давлати ҳисобланади. Яъни Хитой-Дубай кейинги ўринда Хиндистон ва АҚШ билан савдо ҳамкорлигини амалга оширади. 2014 йилги маълумотларга кўра, бу шаҳар халқро аэропорти дунёдаги энг тирбанд аэропортлар орасида еттинчи ўринда туради.

Ушбу шаҳарда табиий дарёлар йўқ, лекин инсон меҳнати ёрдамида яратилган, шаҳарнинг жанубий ва шимолий қисми орқа-

ФОРС КўРФАЗИНИНГ КўРКИ



ли ўтган Дубай кўрфазига ташриф буюрган саёҳатчиларнинг энг семимли масканига айланадиган улғурган. Шунингдек, гўзаллиги ва ажойиблиги билан инсонни ҳайратга солувчи қўллаб осмонупар бинолар ҳам мана шу кўрфаз бўйлаб макон топган. Дунёдаги энг узун 10 та меҳмонхонанинг 7 таси шу ҳудудда жойлашган. Уларни "Дунёнинг етти юлдуз меҳмонхоналари" ҳам деб аташади. Дунёдаги узунлиги жиҳатдан учинчи ўринни эгалловчи "Бурж ал Араб" меҳмонхонаси кема ёлқани шаклида лойиҳалаштирилган. 2014 йилда

Дубай меҳмонхоналари баҳосининг юқорилиги бўйича дунёда иккинчи ўринда бўлган. 70 дан ортиқ савдо марказларига эга Дубай "Ўрта шарқ савдо марказлари пойтахти" деб номланади. Шунингдек, уни "Олтин шаҳар" деб ҳам аташади. Бу ҳудуд олтин ишлаб чиқаришда етакчи ҳисобланади, у ерда бу қимматбаҳо металл билан савдо қиладиган 300 дан ортиқ дўкон мавжуд. Дунёдаги энг катта гуллар боғи ҳам 2013 йилда айнаи мана шу шаҳарда очилган. Мазкур боғда 45 миллиондан зиёд гул турлари ўстирилади.

Дубай саҳронинг ўртасида жойлашгани боис жуда иссиқ, аммо пул бўлса, чангалда шўрва деганларидек, қишини ёқтирадиганлар учун марказий нуқталарда муз комплекслари бунёд этилган. Қизғин шундаки, бу шаҳарнинг полициячилари дунёнинг бошқа мамлакат полициячилари эга бўлмаган ажойиб ҳуқуққа эга. Уларга ҳукумат томонидан дунёнинг энг зўр автомобиллари бўлган "Феррари", "Бентлей" каби автотомобиллар тортиқ қилинган. Бу ишлар уларга тезликни оширувчиларни ушлаш имкониятини бе-

тиб олиш ва истеъмол қилиш ҳам фақатгина мусулмон бўлмаганлар учун рухсат этилади. Шунингдек, Дубайга ташриф буюрувчиларга очик-сочиқ кийиниши тақиқланади. Чунки шаҳарнинг бутун ҳудудида бундай кийиниш ман қилинган (соҳил, клуб ва барлардан ташқари). Бу ерда увол қилиш ва исрофгарчиликка йўл қўйиш қаттиқ гуноҳ ҳисобланади. Интернет манбаларида келтирилишича, бир британиялик эркак шакарни оёқлари билан босиб, устида юргани учун 4 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Амирлик маданияти қадимдан араб ва эроний маданиятнинг аралашувида шаклланиб келган. Бу халқнинг кийиниш услуби ҳам бошқа халқларникидан яққол ажралиб туради. Урта ёшдаги ва ёши кексаиб қолган араб эркаклари оқ рангли миллий либосларини кийиб юриди. Аёллари эса бутун танасини ўраб турувчи миллий қора либосларини кияди. Уларнинг фақат кўзлари кўриниб туради, холос. Мамлакат ёшлари эса гарбча услубдаги, аммо ўзларининг кийиниш маданиятига зид бўлмаган, яъни очик-сочиқ бўлмаган кийимларни киядилар.

Бу халқнинг ажойиб саломлашиш маданияти бор.

Агар икки киши бир-бири билан саломлашмоқчи бўлса, бири иккинчисининг бурнини ушлаб қўяди.

Мамлакат иккита асосий байрамни кенг ишонлайди. Булар федерация ташкил топган "Мустақиллик куни" ҳамда муборак рамазон ва Қурбон ҳайитларидир.

Амирлик аҳолисининг овқатланиш услуби ҳам ўзгача. Қўллаб мамлакатларда кечки овқат асосий ўринда турса, БАА аҳолиси тушликка катта ургу беради. Тушлик пайтда оила аъзолари қаерда бўлишидан қатъи назар, уйга етиб боради ва оила даврасида овқатланишади. Меҳмон кутиб олиш Амирликда яшовчи ҳар бир инсоннинг семимли одатидир. Агар уйга меҳмон кириб келса, уй эгалари жудаям хурсанд бўлади ва меҳмонни доимги одатларига кўра исирик тутатган ҳолда кутиб олади.

Хуллас, бу мамлакатга ташриф буюрган ҳар бир инсон ҳудуднинг гўзаллигидан баҳраманд бўлишдан ташқари, маданиятнинг ўзига хос, бошқа халқларда учрамайдиган жиҳатлари билан танишиш имконига эга бўлади.


Мафтуна ХУДОЙБЕРГАНОВА, ЎЗМУ талабаси

► МЕН СИЗГА АЙТСАМ...

Ертўладаги эски сандиқни ковлай туриб, худди болалик хотираларимни бир-бир варақлаётгандай бўлдим. Унда оёқ-қўллари синган "солдатим", жонажон хуштагим, дадам олиб берган чарм тўпим, йўқотиб қўйган соққаларим ҳам бор экан. Ух-ху, бутун бошли ёшлигим шу сандиққа жо бўлгандек гўё. Шунда қўлимга чанг босган, эски дўппим ҳам илиниб қолди. Уни кўрдим-у, ортимдан букчайган белини ушлаганча юзюда таббасум билан "дўппимни бер, шумтака", дея қувлаётган бобом ёдимга тушди.

Дўппидайгина мақола

Болалигимда жуда қув бўлганман. Ҳамани безор қилардим. Айтишча, бобомнинг қалпоғини кийиб олиб ура солиб қочилардим ва бир неча қадам босмасдан бошимга катта бўлган дўппи кўзимни беркитиб қўлиб йиқилиб тушишларимни кўп эслаймам. Уша пайтлар бобомдан ҳеч ажралмаганим учун мени "бобосининг эркатиси", "дум" деб ҳам чақирарди. Бобом бошида дўпписи, оппоқ соққоли билан хотирамда муҳрланиб қолган. Эсимда, бобом вафот этган анча вақтгача дўпписини кўчиб ётардим. Ҳали-ҳануз унда бобомнинг ифори уфуралди. Дўппини бошимга кўндириб олиб ертўладан тепага кўтарилдим. Ҳовлида куймаланиб юрган опамнинг кўзи бошимдаги дўппига тушди. "Ҳа, нима бўлди, дўппи кийиб олибсан", деди. "Йўқ, ўзим шундай" дедим илжайиб. "Жиннимисан, отанг ўлдими дўппи киясан, очиб ташла, қўшинлар кўриб, нималир бўлибди деб ўйлашмасин", деди опам. "Бу нима деганингиз? Дўппи фақат мотамда кийилмайдими, ота-бобом кийган дўппини кийиш азалий мерос. "Эй, сен нимадан ҳам тушунардинг?" дедим қўл сийлаб. Унга киришим билан: "Қаердан келяпсан, бирор ўртоғингизда таъзия бўлди?" деди онам хавотирланиб. "Йўқ-э, нима деганингиз, ҳеч нарса бўлгани йўқ". Опам ва онамнинг сўзларидан кейин ўзимга ўзим савол бердим: қачондан бери дўппи мотам белгиси бўлиб қолди ўзи?



Дўппининг алақачон мотам кийими бўлиб қолганига ўртоғимнинг сўзларидан сўнг амин бўлдим. У унга қайтганимизга йўлимиз устидаги Чорсу бозоридан дўппи олиб, кетайлик деб қолди. — Нега? — деб сўрасам: "Кўшимизнинг тоби йўқ, утиб қолсалар, шошиб қолмай дейманда", деб жавоб берди. Бозорга киргач ранг-баранг дўппиларнинг чиройига маҳлиё бўлиб, мен ҳам "Шахрисабз дўппи"сидан сотиб олдим. Бозорнинг ўздаёқ уни бошимга кўндиридим. Ўртоғимнинг ҳам киймаганига қўймадим. Ахир, ота-боболаримиз ҳам қалпоқ кийиб юришган ўзбек миллатининг кўрми у; устидаги тўни билан дўппини тортиниб, уялиб эмас, фаҳрланиб юриш керак дея тушунтирдим. Метрога тушдим-у, юқоридаги сўзларни баралла айтган бўлсам-да, бироз хижолат тортидим, тўричиси. Барча йўловчиларнинг кўзи бизда, ҳайратланиб, бошқача нигоҳ билан қараётди. Худди сахройи Кабирда охайиқлар кезиб юргандек, ёки биз уларга нотаниш бир миллат вакиллариимиз-у, ўз миллий либосимизни кўз-кўз қилаяптимиз. Шунда хаёлга толиб қолдим, бир пайтлар халқимизнинг бошидан тушмайдиغان, ҳар хил балолардан сақлаб, йигитларимиз чечрасига нур қўшиб турувчи дўппилар бутунни кунда маъражау маросимларидagina фойдаланилиб, бошини-гизда қалпоқ кўрса, кишилар таббасумини йўқотиб, таъзия билдиришга ҳозирланади. Кўчаларда дўппи кийиб юрган инсонларни кўрсак, ҳайратландиридан даражага етдик. Бу миллатнинг ўзгичлигини оқиллаб кетиши, маданият қадрларини унутиб бораётганидан далоят эмасми? Бир кун келиб бу бош кийимларни ота-боболаримиз кийиб юрган, деф фақатгина музейларда учратамизми? Аслида ота-боболаримиз белига белбоғ ўраб, бошига дўппи кийиб юриши ҳам ўз моҳиятига эга.

Лицейимизда Халқ оғзаки ижоди дарси ўзгача шуккуда ўтади. Устозимиз Абдулолим Эргашев қаттиққўл бўлсалар-да, чапани инсон, доно мутубайбага мойил ўқитувчи эдилар. Бир кун устоз дарс бошлангачи билан хонадаги ўғил болаларни гапга солди. Борми... ўзи борми ёки йўқми, тўричисини айтинглар, — деб қолди. "Нима? нима?" десак ҳам саволини такрорлайверди. Биз ҳар хил хаёлларда устозимизнинг хатти-ҳаракатларини кўриб кула бошладик. Устоз жиддийлашиб "Белингизда белбоғинг, бошингизда қалпоғинг, қинли пичоғинг борми?" деб сўрапман. Бурунги замонда ўзбек йигитларининг белида белбоғи, бошида қалпоғи бўлмаслиги уят ҳисобланган. Булар йигитнинг орийатли экани, ниймони бутлигини жасорат эса эканини билдирган. Белида белбоғи бор одам номрад бўлмайди, қинли пичоғи бор оиласини бирова хор қилиб қўймайди. Бошида дўпписи бўлса, ёмонлик қўлидан келмайди, деб биллишган.

Бу сўзларни эшитиб кўксимиз керилди, кўзимиздан ўт чақнади. Шу кундан бошлаб дўппи кийиб юришнинг ҳам ўз маъсулияти борлигини ҳис қилдим. Бадиий кечалар, адабий тадбирларда устоз адабларимиз бизга кўриш бахти насиб бўлмаган Миртемир, Фафур Фулом каби атоқли шахслар ҳақида уларни кўриб қолган устозлар сўзлаб берадилар. Уларнинг сўзларидан дўпписини доим қийшайтириб кийиб юрадиган Фафур Фуломни ҳажвчи, қувноқ киши, Миртемир эса озода, тартибли, бошидан дўпписини сира қўймайдиган устоз сифатида кўз олдимида гавдаланади. Демакки, бошимиздаги дўппи ҳам бизнинг шахсиятимыздан, фазилатларимиз, қўсурларимиздан сўзлайди, вужуди-мыданимиз билан бўлаги айланади. Бизнинг бу мавзуда бир лўқма сўз айтишимиздан, дўппидайгина мақолани тақдим этишимиздан мақсад — шунчаки, мулоҳазача чорлаш, унут бўлаётган одатларимиздан бири тўричисида яна бир бора таъкидлашдир. Энди дўппини танлайсизми ёки шляпани, ўзингизга ҳавола.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
"Hurriyat" муҳбири

СИРАК РЎМОЛЧА

► МУЛОҲАЗА

Раҳматли бувимнинг ёғоч сандиғи бўларди. Айтишларича, уни тўйларидо отаси совға қилган экан. Эсимни танибманки, у қулфлоглиқ турарди. Одатда, сандиқ турган хона ҳам берк бўларди. Бувимнинг йиққан-тергани, нафақа пуллари шунда бўлса керак, деб ўйлардим. Ҳар гал "очинг" деб қишамизга қарамай, баҳона топиб бизни чалғитардилар.



Бир кун олди кирсам, берк хона ҳам, сандиқ ҳам очиб, бувимнинг атрофидо тугуну тугунчалар, кўзларидо ёш, бошини ҳам қилиб ўтирдим. "Сирли сандиқ"нинг очилганидан ажабландим. Қўларидо бир неча рўмолчани ушлаган бувим қадрдон нарасини топгандек уларни оҳишта силарди. Кўзи менга тушди-ю, ёнига имлади. Аксари атлас ва шойи матодан тикилган, четларига нақшинкор гуллар туширилган рўмолчаларни бирма-бир кўрсатди. Бари чиройли, нафис. Танла, дегандек рўмолчаларни қўлимга тутқазди. Ўзи эса сандиқ ичидан яна нима-нидир излай кетди. Бир пайт излагани — тўрт қават тахланган, ҳар хил мато парчаларидан учбурчак, тўртбурчак шаклда кесиб, бир-бирига улаб тикилган сўзанини гилам устига ёйди. У жуда ҳам чиройли эди. "Бу сепингга болам, — деди менга уни узатаркан, — тўғри, замонавий эмас, аммо тўғрич неварамга бераман деб асраб юргандим. Олақол!".

"Раҳмат"ни ҳам унутиб, "Сандиқнингизда бори шулармиди? Қулфда юрганингизда луд ёки тилла жа-воҳирларингиз бўлса керак деб ўйлабман", — дея қулдим мен. Сочлари қордек оппоқ бувижонимга ҳазил қилишнинг ўрнимидо шу пайт, дея, ортидан ўзимни койиб ҳам қўйдим. У киши эса индамай қўя қолди. Сандиқни беркитиб, кўрпачаларни йиғиштириганимиздан сўнг гап бошлади: — Бизнинг даврда ҳозиргидек тайёр дастурмо-лу сочлар қарда эди, дейсан! Кун бўйи далада ишлаб чарчасак-да, кеч қурунлари қўшни қизлар билан йиғилишиб, бўлса мойчиноқ, бўлмаса, ой шуъласи ёруғида мана шуларни тикканмиз. Севиб қолган қизлар турли мисралар, тиллак ёки ёнингиз исми битилган рўмолчаларни тикса, бўлгуси келинчақлар куёвини шод этиш мақсадида матога нина урарди.

Мен ҳам бир нечасини келинлик давримда, яна бир қанчасини аммаю амакиларим тўйда соғва қилганмиз. Қолганини сизларга деб асраб юргандим. Ҳар бирингга биттадан. Тўғри, сандиқни далага жавоҳирларим йўқ, бироқ булар менга ундан-да қимматли, қадрли. Чунки рўмолчаларнинг ҳар бири ота-онам даврасида ўтган ўсмирлик кезларимни, янги келинлик пайтларимни эслатади...

► БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

Ер солиғидан кимлар озод қилинади?

— Учинчи гуруҳ ногирони-ман, ер солиғи бўйича бирор-бир имтиёзга эгаманми? Умумун олганда, ер солиғидан кимлар озод қилинади? Илтимос, шулар ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

Тошкент вилоятдан Салим Абдумўминов

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 290-моддасига кўра, қуйидаги шахслар республикамизда ер солиғидан озод қилинган:

Ўзбекистон Қахрамони, Совет Иттифоқи Қахрамони, Меҳнат Қахрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шўҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Улар ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, доираси қонун ҳужжатлари билан белгила-нувчи уларга тенглаштирилган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлари. Мазкур имтиёз пенсия

Улардан эсдалик қолган атлас рўмолчаю сўзанини ҳар қўрганамда, бувижонимнинг меҳрларини туйман. Йиллар ўтиб, балки менга ҳам неварамга совға қилиш насиб этар, дея ўйлайман.

Аслида, рўмолча совға қилиш — азалдан барҳаёт миллий урф-одатларимизнинг бир кўриниши. Тўғилган кун соҳибини хушнуд этган, айтилмаган дил изҳорини ёрга ҳаля қилган, мен каби невараларга меҳрос қилиб берилган ушбу одат халқимизнинг энг гўзал удуми десам янглишмайман. Бойси ширин уйқудан воз кечиб, тунларда тикилган бу каби рўмолчаю сўзанадарда қизларнинг нафақат меҳнати, балки меҳри, қалб кўри жо бўлган. Авваллари рўмолчага мос мато ва иплари танлаш, четларига бежирим нақшлару гуллар билан зеб бериш, жиљокор ранглардан моҳирона фойдаланиш бўлгуси келиннинг ақду заковатини ҳам белгилаган. Энг асосийси, жараённинг барини қизларнинг ўзи мустақил амалга оширган.

Нега энди бугун бўйи етган қизларимиз, ёш келинлар шундай бежирим рўмолчаларни тикмай қўйишди? Ёриқнинг кўзига тик боқиб очик-ойдин севгисини изҳор қилмаган ёки турли ижтимоий

увақтомаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилди. Ёлғиз ёки воёга етмаган болалари билан ёҳуд ногирон боласи билан алоҳида уйда бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Черно-Биль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан, вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган фуқаролар).

Кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича — ер участкалари берилган пайтдан эътиборан беш йилгача; Шахслар — уларга яққа тартибдаги уй-жой қурилиши ва деҳқон ҳўжалиги юришти учун қонун ҳужжатларида белгилаган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича — ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга ер солиғидан озод қилинади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ерларни оқилона муҳофаза қилганлик учун Ер кодексига (82-модда) иқтисодий рағбатлантириш чоралари ўрнатилган. Иқтисодий рағбатлантириш ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар бериш, кредит бериш бўйича имтиёзлар бериш, бюджетдан маблағлар ажратиш каби тадбирлар иборат бўлиб, бу тадбирлар тупроқ унумдорлигини сақлаш ва тиклаш, ерларни салбий ҳолатлардан муҳофаза қилиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги технологияни жорий қилиш бўйича ишларни амалга оширганларга нисбатан қўлланилади.

Савола Олмалик шаҳар ДНИ нотариуси Зебунисо МАХМУДОВА жавоб берди.

Телефон беҳаёлик манбаими?

► ОГОҲ БЎЛИНГ!

Божхона чегаралари орқали жисмоний шахслар томонидан ноутбук, қўл телефони ва бошқа ахборот ташувчи воситаларда беҳаёликни тарғиб этувчи материалларни олиб ўтишга бўлган уринишлар тез-тез учрамоқда. Республикамиз божхоначилари томонидан бу турдаги божхона қоидабузарликларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Самарқанд халқаро аэропортида Санкт-Петербурдан келиб кетган фуқаро О.Тиллаев (мақоладаги барча исм шарифлар ўзгартирилган) божхона назоратининг ўтиш вақтида қўл телефони кўздан ке-чирилганда 72 дона беҳаё мазмундаги фото ва видео материаллар борлиги аниқланди.

кент шаҳар божхона бошқармаси "Бошпочтамт" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ҳолимлари томонидан қўриқдан ўтказилганда, беҳаёликни тарғиб этувчи 3 дона китоб юборилгани аниқланди.

"Челябинск — Тошкент" рейси бўйича поездда кириб келган фарғоналик йўловчи Б.Ахоров ноутбукдаги 370 донадан ортиқ беҳаё фотосуратни ўчириб ташлашни "унутиб" қўйибди. Натияжада у "Келес" темирийул чегара божхона постида биров "ушланиб" қолишига тўғри келди.

Қўл телефони воситасида беҳаёликни ўзига доимий "хамроқ" қилганлардан яна бири ҳазораслик Б.Кенжаев экан. "Москва — Урганч" рейси бўйича парвозини якунлаган ушбу шахсининг қўл телефони кўздан ке-чирилганда, унинг хотирасида 94 дона юқоридаги мазмунда фото ва видео материаллар борлиги фош бўлди.

► ХОТИРА АЗИЗ

Дўстим, хурматли Маҳмуд ака Абдураимовнинг ҳаёт йўли бой ва чуқур мазмунга эга. Мен у киши билан Мирзачўл шаҳридаги (ҳозирги Гулистон шаҳри) 1-сонли ўрта мактабнинг 5-синфига келганида танишганман. Ўшанда 1953 йил эди. Шунга ҳам 62 йил бўлибди.

Албуго гемайман, дўстим

Мен энгзуликка интилувчан инсон Маҳмуд акага ҳавас қилардим, ҳам унга ўхшашга интилардим. У киши аввал қишлоқда, кейин Гулистонда ўқиди, яшади. Кейин бир неча туман ва шаҳарларда, охири Тошкентда ишлади ва яшади.

Маҳмуд ака бугун орамизда йўқ. Руҳи бор. У ҳақда фақат яхши гаплар айتمок вожибдир. Мен тан олган нарса битта. Маҳмуд ака Абдураимов жувонмард аталлишга лойиқ инсон бўлиб, бу дунёни 2013 йилда тарк этди... Жувонмард дегани, бу — "Нух пайғамбарнинг яхши хулқи, Иброҳимнинг ишончи, Исмоилнинг тўғрилиги, Мусонинг самимияти, Аюбнинг сабри, Довуднинг изтироби, Муҳаммаднинг шижоати, Абу Бакрнинг ҳамдардлиги, Усмоннинг уятчанлиги, Аалининг билимдонлигини ўзида мужассамлаштирган зотга айтиладиган сўз. Шулар билан бир қаторда, у одам ўзини тергашин, яъни ҳеч нимадан мағрурланиб кетмаслиги, ҳеч пайт шахсиятпарастлик қилмаслиги, мактовга учмаслиги, ҳамийша ва ҳамма жойда ўз сифатларидан фақат камчиликларини, биродарларининг хулқидан эса яхши ва мукамалликларни кўрсатиш билан ажралиб турарди..."

Дўстимнинг шу фазилатларини айтиш билан кифоялансам бўларди. Аммо бу ажойиб инсон ҳақида ҳамма гапни айтган бўлардим. Бу гапнинг тағиди гап шундаки, "Хурматли" деган тахаллус олган акам бутун умр қомил инсон бўлиш учун интилди.

Маҳмуд аканинг зуққолиги ҳар бир масалани тезда ҳал қила олиш, ундан ўзи истаган натижани ола биллишда намоён бўларди.

У кишида керакисиз ва иккинчи даражали масалаларга ортиқча эътибор бермасдан, бугун диққатини муҳим ва зарур масалаларга қарата билиш қобилияти, яъни чигал масалалар ичидан энг муҳимини танлай билиш мақсади, ёниш қобилияти бор эди. Эсимда, 8-синфда ўқитганимизда, Маҳмуд акани туман газетасига масъул котиб қилиб ишга олишган. Бундай воқеа туманда, вилоятдагина эмас, балки республикада камдан-кам учрайди, ноёб воқеа десам ҳам бўлади. Шу ёшда газетасида масъул котиб бўлиш бахти биринчи бўлиб дўстимга насиб қилгани, унинг "ёза"олиш қобилиятининг, ўзини тутиш, катта ёшдагилар билан ўзаро хурматда суҳбатлаш олиш фазилатидан деб биланман.

Ҳаёт моҳиятини Маҳмуд ака қандай тушунган? Бир суҳбатимизда "Ўзига-ўзи маҳлиёлик — шиширилган пухлак, уни тешса фақат ҳаво чиқади". Бу ибратни ким ёзганини биласизми, сўради Маҳмуд ака. Йўқ, дедим. Бунинг муаллифи француз ёзувчиси Франсуа Аруе денг, дедим. Ҳа, унинг ҳақиқий исми Сиз айтгандек. Суҳбат мавзусини ҳаётга бурсақ. Масалан, Жан Жак Руссо "Ҳаёт ўз ҳолича ҳеч нарсани аниқламайди, ҳаётнинг қиммати уни қандай яшай билиши билан боғлиқ" деган. Биз шундай яшаётмишми? Мен жавоб айтишга улгурмасамдан, кейинги ибратни айтдилар. "Ҳаёт ўз-ўзича — яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам эмас: сиз уни нимага айлантира олишингизга қараб яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам уяси бўлиши мумкин", деб ёзди Мишель де Монтен. Мен суҳбатда анча биланлардек кўриниш учун, бир адиб (исмини айтолмадим, эсимда йўқ эди-да) "Ҳаёт томоша ҳам, байрам ҳам эмас, ҳаёт оғир иш", деган экан, дедим. Ва уларга ўз саволимни бердим. Ака, сиз, "ҳаёт азоб-уқубат ҳам, ором ҳам эмас, зимманингиз ва биз виждондан охирига етказишимиз зарур бўлган бурчдир" деган фикрга қўшласизми? Акам биров ўйланиб туриб, ҳаёт ҳақидаги мавзуга Иоганн Волфганг Гётенинг сўзи билан жавоб берсам майлими? Жавобимни ҳам кутмай: Гёте: "Бенаф яшайдан бевақт ўлим афзал деган экан", деди. Ва давом этаркан, демак, яшаш фақат одамларга яхшилик кўрсатиб яшаш эканки, ўлганимиздан кейин ҳам ўшанда тирик бўларканмиз. Бу суҳбат акамнинг мен билан деярли охири суҳбати эди.

Тўлқин МУҲИДДИН

Эслашиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўра, порнографик, шунингдек, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи махсулотни олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш фуқароларга энг кам ш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 100 бараваридан 150 бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Хусан ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси Ахборот хизмати катта инспектори

ФАОЛИЯТ

Маънавий камолотда китобнинг улгиси ҳеч бир таърифга сизмайди. Айниқса, болалар тарбиясида унинг ўрнини бошқа бирор восита тўлдиролмас керак. Шунданми, кимдир жужуқларига атаб китоб сотиб олаётганини кўрсам, қувонаман. Устоз адиб Асқад Мухтор эътироф этганидек, "Китоб — бойлик, фақат сотиб олингани эмас, ўқилгани". Китобхонлик бугун, айниқса, ёшлар орасида яна жонланганидан ич-ичдан севинаётганимиз рост. Бундан ўқишли китоблар тайёрлаб чоп этишни мақсад қилган ноширларнинг нечоғли кайфият олганини тушуниш мумкин. Аммо бу жараён янада миқёсли тус олишида ноширлик соҳаси тараққиёти, аҳли қаламнинг иштиёқию ғайрати етакчи роль ўйнаши тайин. Бу мавзуда кўнгилга туккан саволларимиз билан шу соҳа вакили — "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти бош муҳаррири Ҳабиб Абдиевга муурожаат қилдик.

— Ҳабиб ака, Ўзбекистонда ягона давлат илмий нашриёти ҳисобланган "ЎзМЭ"да истиқлол даврида амалга оширилган энг улкан иш, шубҳасиз, ўн икки жилдли миллий энциклопедиямиз. Бундан ташқари, бой маданий меросимиз илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинган кўлаб энциклопедик асарлар чоп этилди. Умуман, ушбу соҳани иккундан билдирган мустақил сифатида асарларнинг аҳамияти, моҳияти хусусидаги фикрларингиз ҳаммамиз учун қизиқ...

— Айтиш лозим, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 154-қарори билан ташкил этилган "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти томонидан 2000—2006 йилларда нашр этилган 12 жилдли "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" бевосита Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан МДХ давлатларининг шу каби универсал энциклопедиялари орасида биринчи бўлиб дунё юзиги кўрган эди. Хусусан, миллий энциклопедиянинг 1-жилди бош сарҳаддан ўрин олган Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ўқувчиларига табрида шундай дейилади: "Миллий қомусимизнинг мамлакатимиз тарихидаги ҳозирги бурилиш палласида яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки энциклопедиянинг маънавий ҳаётида ахборот манбаи сифатидаги маъри-

фий ўрни беқисс. Энциклопедиянинг асосий вазифаси — аввало, Ўзбекистоннинг буюк тарихи, маданиятини, улуг мутафаккир ва алломаларимизнинг умумбалашарият тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини, табиий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини, энг катта ва ноёб бойлигимиз бўлиши мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган ва яшаётган одамларнинг ибратли фаолиятини бутун дунёга намойиш этишдир". Чиндан ҳам, миллий энциклопедиямизни варақларканмиз, унинг ҳар бир саҳифасида Ватанимизнинг буюк тарихи, маданияти, халқимиз даҳоси буй кўрсатиб турганини кўрамиз. Агар энциклопедиядаги бевосита юртимиз билан боғлиқ мақолалар таҳлил қилинса, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг рўй берган ўзгаришлар, янгиликлар, эгалланган марралар акс этган мақолаларсон жиҳатида; анчайин салмоқли эканига гувоҳ бўлиш мумкин.

Дунёда биринчи энциклопедияни яратган Дени Дидро "миллатни уйротган мутафаккир" дея эъзозланган бежиз эмас. Энциклопедия — миллатнинг шонли ўтмиши ҳақида аниқ маълумот берувчи манбага эмас, балки муайян миллат вақилларини замон билан ҳамнафас бўлиб яшашга қўмақлашадиган, ёшларнинг қалбани уйғоқ, руҳи ва тафаккури ҳур инсон бўлиб камолга етиши учун ишончли восита ҳам ҳисобланади. Тезкор ахборот асрида, чини ёлғондан, ҳақиқ буҳтондан ажратиш қийин бўлган

бир даврда, илмий жиҳатдан асосланган, аниқ ва тўғри маълумотлар билан бойитилган манбага ҳар қачонгилан кўра эҳтиёж катта. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бугун ношир китоблар сирасига кирган "ЎзМЭ"нинг янги фактик материаллар билан бойитилган нашрини амалга ошириш вақти келди деб ўйлайман.

— Тўғри айтасиз, Ҳабиб ака, энциклопедиямизнинг охириги жилди 2006 йилда нашр этилганини ҳисобга олсак, республикамиз ўша 15 йил ичида қувонарли даражада тараққий этгани кўринади. Холисона айтганда, бу ривожланганларимизнинг муқтадирлиги Мустақилликнинг меъмори, Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов номи билан ҳам боғлиқ. Шу нуқтага назардан, Ислоҳ Каримов номи абадийлаштириш борасида унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ўз ифодасини топган энциклопедияни нашрга тайёрлаш илмий жамоатчилик ва, хусусан, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти олдига турган муҳим вазифа ҳамдир. Умуман олдига, тарихий манбадан узоқлашмай яратилган асарларнинг умри узоқ бўлади. Шу жиҳатдан ушбу нашрга келажак авлод бот-бот муурожаат қилиши бор гап. Шу масалада фикрингизни билсак...

— Айни кўнгилдаги савол бўлди. Албатта, Тангри ато этган бахтимиз шуки, миллатимиздан яна бир Мангулик етишти ва у халқимизни ҳурриятга олиб чиқди. Зеро, қаҳрамон шоир Абдулла Орипов айтганидек: Бугун жудодик бор гар қалбимизда, Лекин гурур яшар ҳавас қилулик. Абадият уеди кўз олдимизда, Шундоқ ёнимиздан ўтди манеулик.

Биобарин, халқимиз асрлар давомида Ислоҳ Каримов номи фохр билан тилга олади.

Сиз айтган энциклопедик асарни тайёрлаш барчамизнинг кўнгилмиздаги эзу ният. Биласиз, наشريётимизда бу борда етарлича манба ва адабиётлар мавжуд, тажриба ҳам бор. Мазкур энциклопедияда Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ўзбекистоннинг 25 йиллик шавкатли тарихи тўла акс этиши лозим. Бу жиҳатдан нашрга тайёрланадиган энциклопедия жорий 12 жилдли "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" каби муҳим ва қимматли манбалардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Ўйлаймизки, бу лойиҳа кўпчиликка маъқул келди. Агар шу ташаббус амалга ошса, мамлакатимиз янги тарихида катта воқеа бўлади. "Ислоҳ Каримов энциклопедияси"ни бошқа шу турдаги энциклопедиялардан ажратиб турувчи ўзига хослик ҳам шунда бўлади.

Дунёда универсал, соҳа энциклопедияларидан ташқари олоҳида тарихий шахслар номи билан боғлиқ қомусий адабиётлар йўқ эмас. Юртимизда ҳам бу борда яхшигина тажриба тўпланган. Сўзимиз исботи учун "Бобур энциклопедияси", "Алишер Навойнинг қомусий лугати" сингари асарларни санаши мумкин. Ана шундай хайри ишларнинг мантиқий давоми сифатида "Амир Темур энциклопедияси", "Абдулла Қодирий қомуси", "Ислоҳ Каримов энциклопедияси" каби йирик, фундаментал асарларни яратиш ва чоп этиш наشريётимизнинг галдаги вазифаларидан саналади. Бундай энциклопедиялар мангуликка дахлдор сиймолар ҳаёти, фаолияти билан бир қаторда маълум даврдаги жамият тараққиёти ҳам ўзида

муҳаббат ҳақида 20 ҳикоя" сингари китоблар адабиёт иштиёқмандлари учун чинакам соғва бўлди.

Бу жараён жадал давом этаётир. "Дунё адабиёти" ружиди "Авлиё Сергий", "Болакай нидоси" каби зарбардаст адаблар қаламига мансуб асарларни тақдим этиш тарадудидамиз. "XXI аср: муҳаббат ҳақида 21 ҳикоя" тўплами эса бугунги насримиз ҳавосини ўқувчиларга етказишда муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.

Ҳазрат Алишер Навоий номи билан янада тарзида тайёрлаётган китобларимиз илмий жамоатчилик учун ҳам катта ҳада, келгуси илмий изланишлар учун туртки бўлишидан умидворимиз. Бу борда "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати"га кирмай қолган сўз ва иборалар" лугати, мутафаккир шоир газалларининг янгича назар ила қилинган таҳлиларидан таркиб топган "Тимсол тадрижи" мақолалар жаммуи, "Муншоот"нинг замонавий тилимизга табиби — "Навоий мактублари" китобини алоҳида таъкидлаш истирдим.

Чоп этилиш арафасида турган "Инсоният тарихидан лавҳалар" эса болалар учун чин соғвадир. Шунингдек, "Балоев ул-жаҳод" асари ҳам китобхонлар орқиб кутаётган адабиётлар сафиди уларнинг хонадорлигига кириб боради. Давлат дастури асосида тайёрланган "Соғлом она ва бола: халқаро амалиёт" китоби ҳам нашр этиляпти.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат, Ҳабиб ака. Сиз ва наشريёт жамоатингизга маънавий камолотингиз улкан қисми — китоблар нашр этишдек эзу ва шарафли ишда куч-қувват тилаймиз.

"Hurriyat" мухбири Элмурод НИШОНОВ суҳбатлашди.

муҳаббат ҳақида 20 ҳикоя" сингари китоблар адабиёт иштиёқмандлари учун чинакам соғва бўлди.

Бу жараён жадал давом этаётир. "Дунё адабиёти" ружиди "Авлиё Сергий", "Болакай нидоси" каби зарбардаст адаблар қаламига мансуб асарларни тақдим этиш тарадудидамиз. "XXI аср: муҳаббат ҳақида 21 ҳикоя" тўплами эса бугунги насримиз ҳавосини ўқувчиларга етказишда муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.

Ҳазрат Алишер Навоий номи билан янада тарзида тайёрлаётган китобларимиз илмий жамоатчилик учун ҳам катта ҳада, келгуси илмий изланишлар учун туртки бўлишидан умидворимиз. Бу борда "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати"га кирмай қолган сўз ва иборалар" лугати, мутафаккир шоир газалларининг янгича назар ила қилинган таҳлиларидан таркиб топган "Тимсол тадрижи" мақолалар жаммуи, "Муншоот"нинг замонавий тилимизга табиби — "Навоий мактублари" китобини алоҳида таъкидлаш истирдим.

Чоп этилиш арафасида турган "Инсоният тарихидан лавҳалар" эса болалар учун чин соғвадир. Шунингдек, "Балоев ул-жаҳод" асари ҳам китобхонлар орқиб кутаётган адабиётлар сафиди уларнинг хонадорлигига кириб боради. Давлат дастури асосида тайёрланган "Соғлом она ва бола: халқаро амалиёт" китоби ҳам нашр этиляпти.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат, Ҳабиб ака. Сиз ва наشريёт жамоатингизга маънавий камолотингиз улкан қисми — китоблар нашр этишдек эзу ва шарафли ишда куч-қувват тилаймиз.

"Hurriyat" мухбири Элмурод НИШОНОВ суҳбатлашди.

Ҳаётим хулосалар

БИЛАҒОНЛИК КАСОФАТИ
"Ҳамма нарсани биламан", деган одамни ўқитиш қийин.

ТИНГЛАГАН ТУШУНАДИ
Ҳамма нарсани тушунтириш мумкин, агар... тингласалар.

ИЛМ ҚАНЧА БЎЛСА, ШУНЧА ОЗ
Илм буловидан қондим деганга ишониш мумкин, аммо тўйдим, дегандан қоч.

ИШОНТИРСАНГ БЎЛДИ
Фундаментал тадқиқот натижаларини қизиқарли тарзда тушунтириб бўлмайди. Уларни ишондиғани қилиб айтиш кифоядир.

ДАҲО ҲАМ ОДДИЙ ОДАМ
Даҳолар ҳам тадқиқотчининг ёрдамига муҳтож бўлади.

МАҚСАДНИНГ ЁРҚИНЛАШИШИ
Баъзан тадқиқот иши яқунлангандан кейингина уни бошлашдан олдин қўйилган мақсаднинг туб моҳияти равшанлашади.

УСТОЗ ОБРЎСНИНГ МАНБАЛАРИ
Устозга аввало илми, кейин шоирларга обрў келтиради.

БИРИНЧИ ҒИШТ...
Магистрлар фанда биринчи қадамни тўғри ташлашлари, яъни яхши устозни ва яхши мавзунини танлай билишлари керак.

ИЛМСИЗДАН УЗОҚЛАШ, ИЛМЛИГА ЯҚИНЛАШ
Иложини топшинг билан илмсизлар даврасини тарк эт ва илмиларни ивләб топ.


БИЛИМЛИНИНГ БИЛИМИ ЮҚАР
"Билими кўп устоз шоирларига кўп билим беради" деган гапдан "билими кам кам билим беради" деган тушунча келиб чиқмайди. Чунки ким ўзига этишмаётган билимининг ўзгаларга бера олади?

ЮЗАКИ ИЛМ КАСРИ
Юваки илм хавфли. Чунки ёшлар унинг билан қаноатланиб, чуқур илмга интилмайд қўядилар, ҳаттоки, чуқур илм нима эканлигини билмай дам ўтдилар.

УЛУҒЛАРДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК
Буюк олимлардан бевосита илм ўрганишга ҳар доим ҳам эришиб бўлмас, лекин уллардан доимо ўрнак олиш мумкин.

Муҳаммад ТОШБОЛАЕВ, профессор

Абадият қомуси



„НАҒМАЧИЛАР“ ТЕГИРМОНИГА КИМ СУВ ҚУЙМОҚДА?

АКС-САДО

Иш вақтим соат 9:00да бошланади. Лекин ҳар ҳафта пайшанба куни соат 7:00да корхонамиз остонасидан ҳатлаб ўтишга одатланганман. Сабаби битта. Столим устида тахлаб қўйилган "Hurriyat" газетасини икки соат давомида ҳижжалаб ўқийман. Тўғриси айтсам, ўша куни хушнуд кайфиятда юраман.

Бугун ҳам шундай бўлди. Муаллиф Гузал Малиқованиннг "Беруний эшитмаган нағмалар" мақоласини ўқиб жуда таъсирландим. Мавзу долзарб. Шунчаки гапириладиган, газета саҳифаларидан номингана ёзилган, озгина шов-шув бўлиб, сўнг ҳамма унутадиган гаплар эмас. Тайинсиз қўшиқ ва клиплар маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, қадриятларимиз илдиизига болта ураятти. Оммавий маданиятнинг жирканч иллатлари қаерданлир кириб келаятганига ўзимиз сабабчи бўлмаяпмизми? Муаллиф ҳали уч ёшга тўлмаган ўғлининг телевизорда бошини маъносиз ликиллаб рақсга тушаётганлар таъсирига берилгани

„Беруний эшитмаган нағмалар“ мақоласини ўқиб...



ҳақида ёзади. Бундай ҳолатлар бошқа хонадорларда учрамайпти, деб айта оласизми? Отаналар фарзандининг ҳар бир ҳаракатига эътибор берса — яхши, бермасачи? Мақолада эътироф этилган Жаҳонгир Позилжонов, Шоҳруҳхон, Муниса Ризаева, Жасур Умиров сингарилар уларни "тарбиялайди". "Бенон", "Уммон", "ЭлДидо" сингари гуруҳлар ёшларга "йўл кўрсатади".

Шу ўринда бундан етти-саккиз йил муқаддам ўз ўғлим билан бўлган суҳбатни эслагим келди. Менга ҳомийлик қилган, деди ўшанда у. Нима учун, сўрадим ундан. Телевизорга қиқиб қўшиқ айтмоқчимизми? Муаллиф ҳали уч ёшга тўлмаган ўғлининг телевизорда бошини маъносиз ликиллаб рақсга тушаётганлар таъсирига берилгани

кўзидан бўлиб қолган. Ай, қанақа эркасан ўзинг. Бас қил-э, дейин десам, афсуски, на радиодаги, на телевизордаги ҳаваскор "ҳопизча"лар эшитилади.

Гап келганда айтмай: истедоди туғул, анчайин қобилияти ҳам йўқ, бунинг устига чаласавона яна шундай "санъаткорликка номзод"ларнинг юзага чиқишига, санъат аталмиш муқаддас бўстонга оёқ қўйишларига айрим теле ва радиоканаллар ҳам сабабчи бўлаётир. Масалан, "Миллий" номини олган телеканалимизни олайлик. У ташкил этилаётгани эшитганда барчамиз "Буларкан-ку! Миллий киноларимиз, мумтоз ашуларимиз, миллий маданиятимизни акс эттирадиган кўрсатувлар учун минбар бўлади у" дея умид қилган эдик. Аммо бу умидларимиз ҳозирча орзулигича қолмоқда.

Ҳайрон қоламан, соатлаб "табрик-салом" йўлайдиган радиоларда ҳам савия юқори эмас. Тингловчининг вақти, асаби, савияси билан йўқ, тўғриси айтганда, аудиторияни ҳурмат қилмайдиган айрим радиоканалларда эшиттиришлари ўта жўн.

На овозида шираси, на айтган гапиди тайини бор хонандаларга соатлаб эфир вақтини ажратаётган телеканалларимизда бадий кенгаш деган нарсалар йўқми, деган савол туғилади. Бўлса, улар қандай қилиб, муаллиф Гузал Малиқова айтмоқчи, мияни заҳарлайдиган "оғу"ларга йўл беришяпти?

Мақолани ўқир эканман, яна бир воқеа ёдимга тушди. Бундан беш-олти йил муқаддам машинада радио тинглаб кетаётган эдик. Сезганимиздек, ўша "табрик-салом" радиоканаларимиздан бирини. Тингловчилар кўнгириқ қилиб, ўзлари хоҳлаган хонанда ижросида қўшиқ қўйиб беришларини сўраб, бошловчи эса улар истагани амалга оширади. Навбатдаги кўнгириқ эгаси Муножот Йўлчиева ижросида қўшиқ эшитиш хоҳиши борлигини билдирди. Шунда бошловчининг жавобини ҳайратга тушдим. "Ҳамма ни ухлатиб қўясиз-ку!", деди у заррача истиқоласиз, уятсизлик, андишасизлик билан. Қаранг, ўша бошловчининг овози ёқимлигини учун ичимада алқаб келаятганимиз, Ўзбекистон халқ артистига, жаҳон тан олган ҳофизга, де-

Абдуҳалим МЕЛИЕВ, Самарқанд вилояти "Баркамол авлод" болалар маркази директори

АДОЛАТ – ҲАР БИР ИШДА ДАСТУРИМИЗ ВА ҲАМРОҲИМИЗ БЎЛСИН!



НАРИМОН УМАРОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Устозлар ижодидан илҳомланиб...

▶ ТАХАЙЮЛ МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон нафақат гўзал табиати, ўтмиш ва замонавийлик уйғунлашган ажойиб шаҳарлари, буюк алломалари, балки истеъдодли ёшлари билан ҳам жаҳонга машҳурдир.


Бону Насриддинова юртимизнинг ана шундай фарзандларидан.

У дунёни турфа рангларда кўради: бу қараш истеъдодли кўзининг чизган расмларида намоён бўлади. Бу асарлар Бонунинг тасаввур олами, зоҳиран сокин кўринса-да, жўшқин ҳиссиётларга бой қалбининг суратларга кўчган инъикосидек туюлади.

Ёш мусаввир она юрт жамолини ёрқин ранглар воситасида акс эттириб, Ватанга муҳаббат улоқат туйғуларини ифодалашга интилади.

— Узоқда бормайлик, атиги чорак аср аввал асарларини хориж мамлакатларида намоён қилиш ёки турли нуфузли танловларда иштирок этиш расомларнинг катта орузи эди. Бугун бундай бахтга санъат оламига энди кириб келган ёшларимиз ҳам муяссар бўлмоқда, — дейди Қибрай туманидаги 21-мактаб директори Музаам Курганбоева. — Бунга мисол сифатида мактабимизнинг 9-синф ўқувчиси Бону Насриддинова фаолиятини айтишим мумкин. Бону мактабда аъло баҳола-

га ўқиш билан бирга, ижодий ишлари билан кўплаб мамлакатларда бўлди. Халқаро танловларда муваффақиятли қатнашиб, нуфузли совринларни қўлга киритди. Жумладан, Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Салют талантов” III-халқаро фестивалида



тасвирий санъат йўналишида 1-даражали диплом билан тақдирланган. Россия Феде-


рациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган “Палитра Мира” халқаро танловида 3-даражали диплом соҳиби бўлди. Бу эса мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топшилари йўлида олиб борилаётган улкан гамхўрлик ва эътибор ҳосиласидир.

Бону асосан, графика ва рангасвир йўналишларида ижод қилади. Шу кунга қадар юртимизда ўтказилган “Камалак юлдузлари”, “Юксак маънавиятли авлод”, “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” танловларида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритди.



“Улоқда”, “Менинг мактабим”, “Хонадон”, “Настарин”, “Куз манзаралари”, “Илҳом париси”, “Дарё бўйида”, “Қиш манзараси”, “Табиатни асранг”, “Лоалар”, “Қишлоқ манзараси”, “Баҳор гуллари”, “Қорасоч пари” каби бир қатор асарлари санъат илҳомларига завқ бағишлаши шубҳасиз.

— Биз ёшларнинг озод ва обод ватанда бахтли яшашимиз учун давлатимиз томонидан барча зарур шароитлар яратилмоқда. Бундан руҳланган тенгдошларим фан, спорт, санъат йўналишларида ўз истеъдодларини амалда тўла намоён этишга чоғланаётган, — дейди ёш истеъдодли расом Б.Насриддинова. — Миллий расомлик санъатимиз имкониятларини жаҳон кўргазмаларида намоён этиш йўлида тинимсиз изланиб, яхши-яхши асарлар



яратишга бел болаганман. Менга устозларим ҳеч қачон ўрганишдан эринма, деб маслаҳат беришади. Шу боис доимий тарзда таниқли мусаввирлар қатори яхши ижод қилаётган тенгдошларимдан ҳам ниманидир ўрганишга ҳаракат қиламан. Ижодларини кузатиб бораман.

Бугун ёшлар ижодини юзага чиқариш, уларнинг асарларини кенг оммага ҳавола этиш ва шу орқали янги истеъдод эгаларини кашф этиш мақсадида юртимизда турли тadbирлар, кўргазмалар, учрашувлар, давра-суҳбатлари ўтказиш одат тусига кирган. Бону Насриддинова ҳам ана шундай эътибордан куч олиб, устоз ижодкорлар изидан мардонавор одимламоқда.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

Ватан ва ватанпарварлик ҳақида

Эл рамини билган элда дoston.

Ўз юртининг қадри
Ўзга юртда билинар.

Ўзга юртда билинар.
Ватанга келган — имонга келар.

Ёрдан айрилсанг ҳам, элдан айрилма.

Элдан айрилган қон ютар.

Элинг сенга чўзса қўл,
Унга доим содиқ бўл.

Ҳар кўкатнинг ўз суйган тупроғи бор.

Эълонлар

Vaxabov Shuxratjon Adxamovich nomiga berilgan Toshkent shahri, Yunusobod tumani, A.Qoldiriy-Niёzbek йўли 5-тор кўчалари кесишувидаги 1-уй, 42-хонадонга тегишли кадастр ҳужжати ва TS 0071765 сонли кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

“Ўзбекистон” автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан “MEGA LOGISTIC GROUP” МЧЖга тегишли давлат рақами 01/308CDA бўлган Урал 654200 русумли ЮК автомобилига берилган АТ №1426700 ҳамда АТ №1426701 сонли литцензия карточкалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Манзилимиз: 100129,
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва оператор Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Муҳаммадали Мамадалиев
“O'zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

HURRIYAT

Mustaqil gazeta



Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда
Адади: 2850 Буюртма — S-7378 1 2 3 4 5

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88

Тел-факс: (0-371) 244-32-80

Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91

Самарқанд: (0-366) 233-62-12

Тошхирин вақти — 20⁰⁰ Тошхирилди — 20⁰⁰



Индекс: якка
обуначилар ва
ташкilotлар
учун — 233